ҲАММА НАРСА ЧИГИТ ЭКИШГА ТАХТ БЎЛСИН!



Жиззах ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозида чигит экишга пухта тайёргарлик кўрилди. 21 экиш агрегати шай турибди. СУРАТДА (чапдан): контролёр Қобил ТУРАЕВ, трактор чи Мусулмон ИКРОМОВ ва сеялкачи Қудрат ҒОФУРЖОНОВ сеялкаларни сўнгги марта кўздан кечирмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

Ўзбекистоннинг жанубида чигит экиш бошланди

ТЕРМИЗ, 25 март. (ЎзТАГ). Термиз ишлаб чиқариш бошқармасидаги Жданов номли колхознинг Жума Ҳиллаев бошлиқ бригадаси Ўзбекистонда биринчи бўлиб айрим майдонларга чигит экишга киришди. Ўн беш гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилди. Ерлари Сурхондарё областининг жанубий зонасида жойлашган «Қизил юлдуз» ва Карл Маркс номли колхозларнинг пахтакорлари ҳам экиш ишларини бошлаб юбормоқдалар.

Қолоқ участкаларга ўтиб

Донгдор бригадир, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунованинг ватанпарварлик ташаббуси Хўжаобод ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Пахтакор» колхози аъзоларининг ҳам ғайратини оширибюборди. Илғор бригада бошлиғи, коммунист Одилхон Маъзумов қолоқ бригадага бошлиқ қилиб юборишни сўраб колхоз правлениесига ариза берди. Правление унинг илтимосини қондирди. Уртоқ Маъзумов ҳозир колхоздаги қолоқ бригадалардан бирига бошчилик қилмоқда. Бригада аъзолари ҳар гектар ердан ўтган йилги 24 центнер ўрнига намида 35 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олганлар.

Бригадага бириктирилган пахта майдонларининг ҳаммаси қисқа вақт ичида ҳайдалди. Ҳайдаш олдидан ҳар гектар ерга 5-6 тоннадан маҳаллий ўғит 330-350 килограмм суперфосфатга аралаштирилиб солинди. Ариқ-зовурлар тозаланди. Шу кунларда шудгор юмшатилиб, тупроқдаги нам тўла сақлаб қолинаётир.

З. АЗАМАТОВ.

Қишлоқдаги саккиз йиллик мактаб ўқитувчиси Йўлдош Шеров ўз аризасига биноан ўтган йили баҳорда «Партия XXI съезди» колхозининг энг қолоқ бригадасига бошлиқ қилиб тайинланган эди. Уртоқ Шеров янги вазифада чинакам ташкилотчи эканлигини амалда кўрсатди. Гектаридан 18-20 центнердан ҳосил олиб келаётган бу бригада бу йил 121 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 38 центнердан «оқ олтин» топшириб, Тўрткўл районидаги «Партия XXI съезди» колхозида энг юқори кўрсаткичга эришди. Бригаданинг бу йилги аҳди 40 центнер. Иш ҳам шунга яраша. Ҳамма пахта майдони ҳайдаб ва текислаб қўйилди.

Р. ДУСТЧОНОВ.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши № 72 (12.425) | Сешанба, 26 март 1963 йил | Баҳоси 2 тийин.

ТУХУМ ТАЙЁРЛАШ КВАРТАЛ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Узбекистон колхоз ва совхозлари тухум тайёрлаш квартал планини муддатидан илгари бажардилар. Андижон, Хоразм ва Бухоро областларидаги хўжаликлар тухум тайёрлаш квартал планини ошириб бажардилар. (ЎзТАГ).

ЯРИМ ИЙЛЛИКДАН ОРТИҚ ГЎШТ

Ғиждувон ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликларнинг чорвадорлари давлатга гўшт сотиш ярим йиллик планини муддатидан илгари 103 процент ва тухум тайёрлаш квартал планини бажардилар. Тайёрлаш пунктларига 895,3 тонна гўшт топширилди. «Гулистон», «Коммунизм», Энгельс номли колхозлар гўшт сотиш йиллик планини анча ошириб бажардилар. (ЎзТАГ).

АЗАМАТ ЦЕХ ИШГА ТУШИРИЛДИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Череповецк қурувчилари ва монтажчиларини мамлакатда энг йирик ҳисобланган ва листни совуқ усулда прокат қиладиган, ишлаб чиқариш процесслари тўла механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган цехнинг биринчи навбат қисми муваффақиятли қурилиб бўлганлиги ва ишга туширилганлиги билан қизғин табриклади лар.

ТАБИИЙ ОФАТ САБАБЛИ БИЛДИРИЛГАН ТАЪЗИЯЛАР

Бали оролидаги зилзила сабабли Индонезия халқи бошига кулфат тушиб, одамлар қурбон бўлганлиги ва моддий зарар етганлиги муносабати билан, Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев самимий ҳамдардлик билдирдилар. Улар Индонезия Республикасининг президенти ва бош министри доктор Сукарнога телеграмма юборибтабиий офатдан зарар кўрган оилаларга таъзия билдиришни илтимос қилдилар. (ТАСС).

ЖАҲОНДА ЭНГ ЙИРИК ГИДРОЭЛЕКТРОСТАНЦИЯ

Енисейда катта байрам ✱ Сибирдаги буюк дарё йўли тўсилди ✱ *Красноярск ГЭСи йилига 20 миллиард киловатт-соатдан ортиқ энергия беради* ✱ **ГЭС тўғонининг узунлиги 1.060 метр, баландлиги 130 метр** ✱ *Бу—50 қаватли иморат баландлигига тенгдир* ✱ **ЕНИСЕЙ ДАРЁСИ КОММУНИЗМ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ**

ТАБРИК

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ҚРАСНОЯРСК ГЭСИ ҚУРИЛИШИ БОШЛИҒИ А. Е. БОЧКИН БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ҚИЛГАН СУҲБАТИ

ДИВНОГОРСК, 25 март. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрушчев 25 мартда Москва вақти билан соат 10 дан 50 минут ўтганида Енисей дарёсини тўсиш штабига телефон қилди. Телефон трубкасини Красноярск ГЭСи қурилиши бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Е. Бочкин олди.

Қуйида шу суҳбат тексти келтирилади.

Н. С. Хрушчев: — Уртоқ Бочкин, салом, Хрушчев гапиряпти.

А. Е. Бочкин: — Салом, Никита Сергеевич, Бочкин телефон ёнида. Гапингизни эшитаман.

Н. С. Хрушчев: — Ишларингиз қандай боряпти?

А. Е. Бочкин: — Муваффақиятли боряпти, Никита Сергеевич. Икки соатдан кейин Енисей дарёсини тўсиб қўямиз. Ишимиз яхши боряпти, ўзимиз кутгандан ҳам муваффақиятлироқ боряпти.

Н. С. Хрушчев: — Сизни ва катта ишлар қилаётган — Енисей дарёсини коммунизмга хизмат қилишга мажбур этиш учун бўйсундираётган Красноярск ГЭСи қурувчиларининг ҳаммасини табриклайман. Барча қурувчиларга самимий саломимни топширингиз. Сизларни муваффақият билан табриклайман.

А. Е. Бочкин: — Раҳмат, Никита Сергеевич, катта раҳмат. Сизнинг самимий саломингизни коллективимизга маълум қиламан.

Н. С. Хрушчев: — Хайр!

А. Е. Бочкин: — Хайр, Никита Сергеевич!



Красноярск ГЭСи тўғонининг котлованига сув қўйилди.

О. Верейский ва Вл. Добровольский чизган расм.

ЕНИСЕЙ ДАРЁСИ ТЎСИЛДИ

ДИВНОГОРСК, 25 март. (ТАСС махсус мухбири). Жаҳондаги энг катта Красноярск ГЭСи қурувчилари бугун маҳаллий вақт билан соат 17 дан 30 минут ўтганида Енисей дарёсини тамомила тўсиб қўйдилар.

Бугун эрталаб бошланган қатъий штурм дастлабки планда кўзда тутилган икки сутка ўрнига олти ярим соат давом этди. Тог жинслари, бетон пирамидалар, шағал ташиб келтириш ва уларни дарёга ташлашда 200 га яқин автосамосвалдан фойдаланилди. Булар орасида 25 тоннали ва 10 тоннали машиналар колонналари, кўпгина бульдозерлар, кранлар ва бошқа машиналар бор эди.

Қудратли азим дарёни сувдан жуда кам фойдаланиладиган қиш шароитида тўсиб қўйишнинг иқтисодий жиҳатдан самарали схемасини ишлаб чиққан лойиҳачилар ва қурувчиларнинг дадил ниятлари тўла рўёбга чиқди.

Бундай гидротехника вазифаси жаҳон гидроқурилиши практикасида биринчи марта ҳал этилди.

КАНАЛ ТРАССАСИДА

Узоқ-узоқларда механизмлар пишқириб ўрмалайди. Палаткалар, уй-бу ерда эса гулханлар кўзга ташланади.

— Сув учун қураш худди шу ерда кетяпти, — деди ҳамроҳим тупроқ уюмларидан илгарилаб борарканмиз. — Иш оғир, лекин хайрли иш бу. Негаки, ҳосилнинг тақдири кўп жиҳатдан сувга боғлиқ.

Хоразмликлар ўтган йили сув масаласида катта кийинчиликларга дуч келганликларини ким билмайди, дейсиз. Бироқ улар барча кийинчиликларни енгиб ўтдилар, мавжуд сув ресурсларидан мақсадга мувофиқ тежаб-тергаб фойдаланиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар ва зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ҳам бажардилар.

Машъал Хоразм области пахтакорларининг бу йилги ҳиммати янада баландроқ. Улар эл-юрт хирмонига 300 минг тонна «оқ олтин» тўкмоқчилар. Бунинг учун янги резервлар ишга солинмоқда, суғориш системаларини кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда.

Тошсоқа каналидан мунтазам равишда секундига 83 кубометр сув оқиб ўтиб турганлигига Хоразм области ва қардош Туркманистон ССРнинг унга қўшни районларидаги колхозларининг сувга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мумкин. Бунга эришмоқ учун нима қилмоқ, қандай конкрет тадбирларни амалга оширмоқ керак? Бунинг устига Амударёнинг асов тўлқинлари қанчадан-қанча қум аралаш лойқани ёзин-қишин Тошсоқа канали бош тўғонига суриб келиб, сувнинг ёз ойларида доимо бир меъёрда ва эҳтиёжни қондирадиган миқдорда оқиб ўтишига ҳалал бераётган, бу билан айрим вақтларда экинлар тақдирини жиддий хавф остида қолдираётган экан, қандай чора кўрмоқ лозим?

Ирригаторлар кейинги йилларда мана шу ҳақда ўйладилар. Ижодий изланиш ва фикр олишувлар ўз самарасини берди. Мутахассисларнинг таклифи ва лойиҳаси асосида айланма канал қазилиб, Амударё суви маъқур канал орқали Тошсоқа каналига оқизилди. Натижада унинг суви 65 кубометрга етди.

— Бироқ, сув бироз кўпайгани билан талаб ва эҳтиёжларимизни тағин тўла қондиролмади, — дейди область партия комитетининг секретари, канал қурилиши штабининг бошлиғи ўртоқ Н. Қаландаров. — Бизнинг шароитимиз учун сувни исталган вақтда кўпайтириш имконини берадиган янги тадбирни амалга ошириш зарур бўлиб қолди. Етти йилликнинг бешинчи йили режаси, область пахтакорларининг юксак ватанпарварлик аҳди шуни тақозо қилади. Бу йил кўшимча яна бир канал қазишга қаттиқ бел боғладик. Бунинг учун бундан деярли 30 йил муқаддам кўл кучи билан қазилган, кейинчалик эса қаровсизликдан кум ва лойқа босиб йўқолиб кетган собиқ Чағаллоқсоқа ўзани танланди.

Ҳозир ўзанда сув учун қизғин қураш бормоқда. Бу курашда Хоразм области ва қардош Туркманистоннинг азамат қурувчилари актив қатнашмоқдалар. Бўлғуси канал трассасида биргина Хоразм областининг учта қурилиш-монтаж бошқармасидан 5 экскаватор, 4 бульдозер, 16 та «ДТ-54» трактори, 3 землесос икки сменада жадал ишлаётир.

Тошсоқа каналига Амударёдан секундига 15-20 кубометр оби-ҳаёт олиб бориб қуядиган ва ундан оқиб ўтадиган сув миқдорини оширишда муҳим роль ўйнайдиган Чағаллоқсоқа каналининг узунлиги 2,5 километр, эни 25 метр, чуқурлиги эса 4-8 метр бўлиши керак. У апрель ойининг бошигача битказилиши зарур.

Қурувчи-монтажчилар бу ғоят масъулиятли ва шарафли вазифани қисқа вақт ичида тўла-тўкис адо этиш, янги каналнинг белгиланган муддатда ишга туширилишини таъминлаш учун бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишламоқдалар. Урганч қурилиш-монтаж бошқармасининг кундалик иш нормаларини 120-130 процентга етказиб бажараётган экскаваторчиларидан Михаил Добня ва Очил Давлатов, бульдозерчиларидан Отамат Авазматов ва 12-землесос бригадасининг аъзолари, шунингдек «Узсельхозтехника» Шовот бўлимининг бульдозерчиларидан Йўлдош Одамов, Сапарбой Султонов, Раим Мадаминовлар бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Канал трассасида меҳнат қилаётганларнинг ишдан сўнг маданий ва кўнгилли дам олишлари учун қулай шароит яратилган.

Кеч бўлиши билан канал трассасида чироқлар порлайди. Хар ер ҳар ерда ҳайқириб траншея қазиётган, тупроқ сураётган қудратли механизмларнинг чироқлари атроф-теваракни нурлантиради.

Ш. ТОИРОВ.

ҚУРУВЧИЛАР ҒАЙРАТИ

ДИВНОГОРСК, 25 март. (ТАСС махсус мухбири). Бугун маҳаллий вақт билан эрталаб соат 10 да Енисей дарёсига тўсиқ солиш бошланди. Кўп юк ортадиган ағдарма машиналарнинг колонналари Сибирдаги буюк дарёнинг икки томонидаги соҳилида белгиланган соатда тўпланди. Дарёга тўсиқ солиш штабининг чап соҳилда берган сигнали билан шоферлардан Леонид Назимко, Геннадий Данилов, Юрий Коков, Василий Григорьевларнинг йигирма беш тонналик автомашиналари дарё лабига келди. Биринчи бўлиб Леонид Назимко кўп тоннали тошларни сувга ағдарди. Асосий иншоотлар бошқармасининг бошлиғи Г. Т. Горлов унинг қўлини маҳкам сиқиб, Енисейга штурм бошланганлиги билан табриклади.

Минглаб бинокорлар ва меҳмонлар тўпланган дарё лабида гулдурос «ура» садолари янграб кетди.

Иван Еремчук бригадасининг беш тоннали ағдарма автомобиллари айни бир вақтда дарёнинг ўнг соҳилига келиб тоғ тошлари ва бетон пирамиданларни сувга ағдара бошладилар. 34 метрли тор ўзанга қисиб қўйилган Енисей қутуриб қаршилик кўрсатди. Лекин бинокорлар пишқириб турган сувни осойишталик билан ва мунтазам равишда икки томондан қисишни давом эттира бердилар. Юрий Сапригин, Владимир Матюхин, Алексей Чирковнинг танкларга ўхшаш оғир бульдозерлари катта-катта тош уюмларини пишқириб оқаётган сувга итариб ағдараверди. Штурм қилиш учун ишлаб чиқилган графикда белгиланган ишлар минутма-минут аниқ ва пухта бажарилиб турди. Гидрологлар дарёнинг ҳаракатини диққат билан кузатмоқдалар.

ЎРТОҚ ПАЛЬМИРО ТОЛЬЯТТИГА ҚИЗҒИН ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ

КПСС Марказий Комитети Италия Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ Пальмиро Тольяттига телеграмма юборди. КПСС Марказий Комитети бу телеграммада Италия шонли Коммунистик партиясининг синалган раҳбари, халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби — Пальмиро Тольяттини 70 ёшга тўлган куни билан қардошларча табриклайди.

Телеграммада кўрсатиб ўтиладики, ўртоқ Тольятти пролетар интернационализми принципларини доимо изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилиб келмоқда. Коммунистик партияларнинг марксча-ленинча бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш учун қатъият билан курашмоқда.

Совет кишилари, дейилади телеграммада, Сизни Совет Иттифоқининг самимий ва содиқ дўсти деб италия ва совет халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун изчил ва актив курашчи деб биладилар. (ТАСС).

ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГРАЖДАНЛИК ВА ГРАЖДАНЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСЛАРИНИНГ ЛОЙИҲАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги юридик комиссиянинг раиси Х. СУЛАЙМОНОВА доклади

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика Олий Советининг ушбу сессияси муҳокамасига қўйилган Ўзбекистон ССР Гражданлик ва Гражданлик процессуал кодексларининг лойиҳалари тўғрисида доклад қилишни топширди.

Партия ва Совет ҳукумати социалистик қурилишнинг ҳамма босқичларида социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашга ғоят катта аҳамият бериб келдилар. Бироқ, Сталин шахсига сиғиниш даврида социалистик қонунчиликка жиддий зарар етказилган эди. Шахсга сиғинишнинг зарарли оқибатларини бартараф этиш одил судловни амалга ошириш ва социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ишида ижобий натижалар берди.

КПСС XXII съезди қарорларида ва партиянинг янги Программасида давлат ва ҳуқуқнинг, социалистик давлатнинг коммунистик ўз-ўзини бошқаришга ўсиб ўтишининг кўпгина масалалари ленинча таълимот асосида янгича қўйилди ва ҳал этилди, совет ҳуқуқини янада ривожлантириш, социалистик қонунчиликни ва ҳуқуқий тартибларни мустаҳкамлаш йўллари чуқур анализ қилиб берилди.

Ҳуқуқ ва социалистик қонунчилик проблемаси иқтисодий тараққиёт, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш ва янги одамни тарбиялаб етиштириш вазифалари билан чамбарчас боғланган ҳолда кўриб чиқилмоқда.

Совет ҳуқуқи бутун совет халқининг, барча социалистик миллатларнинг манфаатлари бир эканлигини ифодалайди. Шунинг учун ҳам кодексларнинг ушбу лойиҳаларини тузувчилар социалистик интернационализм принципларига ва республикамизнинг ўзига хос хусусиятларига зўр ҳурмат билан қарадилар.

ССР Иттифоқи ва иттифоқчи республикаларнинг гражданлик қонунлари Асослари ва Гражданлик судлов ишларини юритиш Асослари СССР Олий Совети томонидан 1961 йил 8 декабрда қабул қилинган эди. Республика Гражданлик ва Гражданлик процессуал кодекслари лойиҳаларини тайёрлаш ишлари 1957 йилдаёқ бошлаб юборилган эди. Бу лойиҳаларни тайёрлашга юқорн малакали юристлар — олимлар ва практик ходимлар жалб қилинди. Бу кодексларнинг лойиҳалари давлат, жамоат ва илмий муассасалар ва ташкилотларда чуқур ўрганилди ва муҳокама қилинди, ССР Иттифоқи ва иттифоқчи республикалар министрликлари, бошқармалари, илмий тадқиқот муассасаларидан, олий ўқув юртларидан тушган ҳамма мулоҳазалар ва таклифлар ўрганиб чиқилди ва уларнинг кўплари эътиборга олинди.

Ана шу жуда катта ишлар натижасида биз Ўзбекистон ССР Гражданлик ва Гражданлик процессуал кодексларининг янги лойиҳаларини вужудга келтирдик.

Бу кодекслар коммунизм қурилиши авж олдирилган шароитда совет жамиятини ривожлантириш вазифаларига, социалистик ижтимоий муносабатларни янада ривожлантириш вазифаларига тўла жавоб беради, кодексларнинг лойиҳалари иттифоқ Асосларига батамом мос бўлиб, шунингдек республикалар компетенциясига тааллуқли масалаларни ҳам ҳал қилади.

Лойиҳаларни ишлаб чиқиш вақтида иттифоқчи республикаларнинг Гражданлик ва Гражданлик процессуал кодексларида бир хилда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар юзасидан СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Юридик комиссия тавсияларининг ҳаммаси ҳисобга олинди.

Гражданлик ҳуқуқи ягона совет социалистик ҳуқуқининг бир тармоғи бўлиб, мулкий бўлмаган баъзи шахсий муносабатлар билан бир қаторда мулкий муносабатларни ҳам ҳимоя қилади, бу мулкий муносабатларда эса гражданлар ҳам, давлат, колхоз, кооператив ёки бошқа жамоат ташкилотлари ҳам иштирок этишлари мумкин.

Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг лойиҳаси саккиз бўлимдан иборат бўлиб, унда 46 боб ва 631 модда бор. Гражданлик кодекси лойиҳасининг кириш қисмида давлатимиз қадам қўйган ҳозирги даврга қисқача сиёсий характеристика берилади, ана шу даврнинг вазифалари баён қилинади, шунингдек совет гражданлик қонунлари коммунизм қуриш вазифаларини ҳал этишга актив ёрдам беришга даъват этилганлиги кўрсатилади.

Биринчи бўлим—«Умумий қоидалар»да гражданлик қонунларининг умуман Гражданлик кодексига ва алоҳида ҳар бир бўлимга характеристика берувчи ва уларнинг вазифаларини белгиловчи энг муҳим қоидалари тўпланган.

Лойиҳада гражданлик ҳуқуқи ва бурчларига эга бўлиш қобилияти ҳамма гражданлар учун баббаравар эътироф қилинади, деб кўзда тутилади.

Қонунга мувофиқ, гражданлар шахсий мулкка эга бўла оладилар, турар-жой ва бошқа мулклардан фойдаланиш, мулкка ворис бўлиш ва мерос қолдириш, фан, адабиёт ва санъат асарларига автор бўлиш, кашфиёт ва ихтиро, рационализаторлик таклифларига автор бўлиш ҳуқуқига, шунингдек бошқа мулкий ва мулкий бўлмаган шахсий ҳуқуқларга эга бўлишлари мумкин.

Лойиҳани тузувчилар Ўзбекистон республикасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари асосан суғориладиган ерларда етиштирилиши, шу сабабли сувдан фойдаланиш муносабатлари алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, бу муносабатлар алоҳида қонунлар билан тартибга солинади, деб кўрсатдилар.

Лойиҳанинг энг муҳим бўлимларидан бири «Мулкий ҳуқуқлар» деб аталадиган иккинчи бўлимдир. Бу бўлимда қонун Асосларига мувофиқ илгари қонунда бевосита ифода этилмаган кўпгина принципиал қоидалар мустаҳкамланади. Бу бўлимда давлат мулки, колхоз мулки, бошқа кооператив ташкилотлар ва уларнинг бирлашмалари мулки, касаба союзлари ва бошқа жамоат ташкилотлари мулкининг ҳуқуқий объектлари доираси, шунингдек шу мулкларни тасарруф қилиш ва улардан даъвони ундириш тартиблари кўрсатиб ўтилади. Бу бўлимнинг нормаларида бизнинг жамиятимиздаги мулкий муносабатларнинг аҳволи ва уларни ривожлантириш ўз ифодасини топган.

Гражданларнинг шахсий мулки хусусида лойиҳада гражданлик қонунлари Асосларида кўрсатилган шахсий мулкнинг истеъмолга хос мулк эканлиги ҳақидаги қоида таъкидланади. Бу қоидага кўра, гражданларга тегишли шахсий мулк меҳнатсиз даромад олиш учун хизмат қилиши мумкин эмас. Гражданлик кодекси лойиҳасидаги бу қоида буржуа психологиясининг қолдиқларига ва хусусий мулкчилик тенденцияларига қарши қаратилгандир.

Ленининг Гражданлик ҳуқуқларидан Совет давлати манфаатларига қарши фойдаланиб бўлмайди, деган кўрсатмалари ана шу бўлим нормаларида ҳам ўз ифодасини топган.

Лойиҳа учинчи бўлимининг нормалари социалистик ташкилотлар ўртасида ҳам, гражданлар ўртасида ҳам юзага келувчи турли мажбуриятларни тартибга солишга бағишланади. Корхоналар ва ташкилотларнинг маҳсулотларни ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун ва маҳсулотларнинг сифатига ва тўла комплектли бўлишига риоя қилмаганлик учун жавобгарлиги белгиланади.

Гражданлик кодекси лойиҳасининг нормалари план топшириқларининг қатъий бажарилиши зарурлигини белгилайди, халқ хўжалигининг давлат ва колхоз секторлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга, мулкий манфаатларнинг ва шу билан боғлиқ бўлган совет гражданлари шахсий манфаатларининг таъминланишига ёрдам беради.

Авторлик ҳуқуқи тўғрисидаги бўлим аслида суд ва идоралар практикасини ҳисобга олгани ҳолда ҳозир амалда бўлган. Иттифоқ ва Ўзбекистон ССР қонунларини кодекслаштиради.

Бешинчи ва олтинчи бўлимлар авторнинг кашфиёт ва ихтироларга нисбатан ҳуқуқларига оид масалаларни тартибга солади.

Еттинчи бўлим қонун Асосларининг мерос ҳуқуқи бўйича Асосларнинг нормаларини тўла равишда ифодалайди ҳамда иттифоқчи республикаларнинг қонунлари учун Асосларда белгиланган доирада бошқа нормаларни ҳам белгилайди.

Лойиҳанинг охирги саккизинчи бўлими чет элликлар ва гражданлиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ қобилияти масалаларига, чет эл давлатлари қонунларини, халқаро битимлар ва шартномаларни татбиқ қилиш масалаларига бағишланган.

ССР Иттифоқи ва иттифоқчи республикаларнинг гражданлик судлов ишларини юритиш Асосларида суд ишлари юритишнинг умумий принциплари белгиланган. Бу Асослар иттифоқчи республикаларга ҳар бир республиканинг миллий хусусиятларини ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бу принципларни конкретлаштириш ҳуқуқини беради. Ўзбекистон ССР Гражданлик процессуал кодексининг лойиҳасида Асосларга биноан иттифоқчи республикаларнинг ўзига хавола қилинган гражданлик суд юритиш масалалари ҳам тартибга солинган.

Янги лойиҳа кўп йиллардан бери суд практикасида ўзини оқлаган ва ҳозир амалда бўлган социалистик одил судлов принципларини сақлаб қолди ва айни вақтда суд ишлари юритишни янада демократлаштиришга, гражданлар ва ташкилотлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш гарантиясини кенгайтиришга, қонунчилик ва ҳуқуқ тартибларини мустаҳкамлашга қаратилган қоидаларни ўз ичига олади.

Лойиҳани тайёрлаш вақтида биз Ленининг Совет давлати учун ҳўжалик соҳасидаги ҳамма нарсалар ҳусусий эмас, балки оммавий-ҳуқуқий нарсалардир, деб айтган қоидасига амал қилдик. Ленининг бу кўрсатмаси кодекс лойиҳасининг кўпгина нормаларида, жумладан суд ва прокуратураниинг актив роли ҳақидаги, гражданлик ишларини кўзғатишда, бу ишларнинг судда кўрилаётган вақтда жамоатчиликнинг иштироки тўғрисидаги нормаларда ўз аксини топган.

Лойиҳа олти бўлимдан иборат бўлиб, унда 44 боб ва 459 модда бор.

Биринчи бўлим — «Умумий қоидалар»да гражданлик судлов ишларини юргизишнинг вазифалари ифодалаб берилган. Бу бўлим гражданлик процессининг деярли ҳамма моддалари учун умумий бўлган нормаларни тартибга солади.

Иккинчи бўлим судда ишларни кўришга бағишланган. Амалдаги кодексга нисбатан бундаги янгилик шундан иборатки, 210-моддада баён қилинган ерма иш кўриб бўлинганидан кейин дарҳол қарор чиқарилиши кўзда тутилади. Амалдаги кодексга нисбатан бу бўлимда бошқа кўпгина нормалар баён қилинган. Бу нормалар процессниг мана шу босқичида ишларни кўриш тартибини батафсил белгилаб беради.

Кассация фаолиятининг процессуал тартиби тўғрисидаги қоидалар учинчи бўлимда баён қилинган.

Ишга доир далиллар тўплаш ёки далилларни қўшимча текшириш талаб қилинмаган тақдирда, ишнинг ҳолати биринчи инстанция суди томонидан тўла ва аниқ белгиланган, лекин моддий ҳуқуқ нормаларини татбиқ қилишда хатога йўл қўйилган тақдирда кассация инстанцияси ҳар қандай иш юзасидан янги қарор чиқаришга ҳақли эканлиги лойиҳада қатъий қилиб белгиланган муҳим қоидадир. Бу қоида биринчи инстанция судларини иш юзасидан фактларни иккинчи марта текширишдан қутқаради.

Тўртинчи бўлимда шу нарса кўзда тутилганки, қонуний кучга кирган суд ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар протест киритишга ҳақли бўлган судьялар ва прокурорларнинг протестлари бўйича суд назорати тартибида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Бешинчи бўлимда процесснинг айрим боскичи тариқасида ижро қилиниш учун муштарак аҳамиятга эга бўлган нормалар баён қилинган. Лойиҳада дарҳол ижро этилиши лозим бўлган қарорларнинг саноғи кўрсатиб ўтилган.

Олтинчи бўлим чет эл гражданларининг ва гражданлиги бўлмаган шахсларнинг гражданлик процессуал ҳуқуқларига, чет давлатларга бўлган даъволарга, чет эл судларининг суд топшириқлари ва қарорларига, халқаро шартномаларга ва битимларга бағишланган.

Республикамизда колхозлар, давлат ва кооператив ташкилотлари ўртасидаги ҳўжалик алоқаларининг янги формалари — умумий ҳўжалик мақсадларига эришмоқ учун шу ташкилотларнинг биргаликда иш олиб бориши сингари янги формалар кейинги вақтларда кенг ривожланди. Шу муносабат билан комиссия Гражданлик кодексига мана шундай биргаликда қилинадиган ишлар тўғрисида мақсус боб киритишни ва бу бобда, биргаликда иш олиб бориш тўғрисида тузилган шартномага мувофиқ, томонлар умумий ҳўжалик мақсадларига эришмоқ учун, мунончи, колхозлараро корхоналар ёки муассасалар, давлат-колхоз корхоналари ёки муассасалари (юридик шахс бўлган ташкилотларнинг оператив бошқаришига бериб қўйилмайдиган корхоналар ёки муассасалар) қуриш ва улардан фойдаланиш, сув хўжалиги ва ирригация иншоотлари ва қурилмалари барпо этиш, йўллар, спорт иншоотлари, мактаблар, туғруқхоналар ва шу сингариларни қуриш ва улардан фойдаланиш учун биргаликда ҳаракат қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар, деб кўрсатиб ўтишни таклиф қиладн.

Комиссия меросхўрларни доимий яшайдиган ва айрим яшайдиган меросхўрлар деб иккига бўлишдан воз кечишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаб, Гражданлик кодекси лойиҳасининг 606 ва 607-моддаларини бирлаштиришни ва бу моддани қуйидаги таҳрирда баён қилишни таклиф этади: «Меросхўр мерос мулкни ҳақиқатда бошқаришга ёки шу мерос мулкни эгаллашга киришганида ёхуд мерос очилган жойдаги нотариал органга меросни қабул қилиб олиш тўғрисида ариза берганида шу вақтдан бошлаб у меросни қабул қилиб олди, деб ҳисобланади».

Комиссия мерос бўлиб ўтган турар уйни рўйхатга олиш қоидалари бажарилмаганлиги учун санкция тариқасида шу турар уйни мусодара қилишни нотўғри деб ҳисоблайди ва Гражданлик кодекси лойиҳасидаги 520-модданинг охирги, 5-қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилишни таклиф этади: «Турар уйни ёки турар уйнинг бир қисмини мерос тариқасида қабул қилиб олган меросхўрлар мерос очилган кундан бошлаб бир йил ичида шу турар уйни ёки уйнинг бир қисмини меҳнаткашлар депутатлари Советининг ижроия комитетида рўйхатдан ўтказишга мажбурдирлар».

Гражданлар ҳуқуқларининг гарантияларини кучайтириш мақсадида Гражданлик процессуал кодекси лойиҳасининг 58-моддасини, томонларнинг ёки учинчи шахснинг ишда шахсан қатнашганлигини уларни шу иш бўйича вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди, деган қоида билан тўлдириш, шунингдек 62-моддада, суд қарори устидан шикоят бериш ҳуқуқи вакилнинг ишончномасида махсус кўрсатиб ўтилиши лозимлигини айтиб ўтиш таклиф қилинади.

Шу кодекс лойиҳасининг 209-моддасида, ишда қатнашувчи шахслар ва вакиллар суд мажлисининг протоколи билан танишиб чиқишга ҳақлидирлар ва протокол имзоланган кундан бошлаб уч кун ичида протокол тўғрисида ўзларининг ёзма мулоҳазаларини бериш ва бу ёзма мулоҳазада протокол нотўғри ёзилганлигини ёки тўлиқ бўлмаганлигини кўрсатишлари мумкин дейилади. Раислик қилувчи берилган мана шу ёзма мулоҳазаларга қўшилмаган тақдирда, бу мулоҳазалар суд муҳокамасига олиб чиқилади. Шу мулоҳазаларни кўриб чиқмоқ учун беш кунлик муддат белгилаш таклиф қилинади.

Судьялар кенгашининг махфийлигини таъминлаш мақсадида, судьялар кенгаш вақтида айтилган фикрларни ошкор қилишлари мумкин эмас, деб белгилаб қўйиш таклиф қилинади.

Лойиҳалардаги айрим моддаларга баъзи бир таҳририй аниқликлар ва қўшимчалар киритилди, шунингдек Ўзбекистон ССР Гражданлик кодекси ва Гражданлик процессуал кодекси лойиҳаларидаги баъзи қоидаларни шу дамгача белгиланган қоидаларни такрорловчи нормалар деб чиқариб ташлаш ёки бир-бирига қўшиш таклиф қилинади.

Мутлақо равшандирки, янги қонунлар коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишга актив ёрдам бериши лозим. Бу қонунлар социалистик ҳўжалик системасини ва социалистик мулкни мустаҳкамлашга, гражданларнинг моддий ва маданий манфаатларини муҳофаза қилишга ҳамда шу манфаатларни бутун жамият манфаатлари билан тўғри қўшиб олиб боришга ёрдам беради.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссияси Ўзбекистон ССР Гражданлик процессуал кодексининг лойиҳалари айтиб ўтилган қўшимчалар ва ўзгартишлар билан бирга тасдиқлансин ва бу кодекслар 1964 йил 1 январдан бошлаб кучга киритилсин, деб таклиф киритади. 1964 йил 1 январга қадар Гражданлик кодекси ва Гражданлик процессуал кодекси сингари мухим қонунларнинг кучга кириши билан боғлиқ бўлган зарур тайёргарлик ишларининг ҳаммаси бажарилиши лозим. **(Қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГРАЖДАНЛИК ВА ГРАЖДАНЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСЛАРИНИНГ ЛОЙИҲАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ДОКЛАД ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Депутат О. УМАРОВ нутқи

(Самарқанд область, Ленин сайлов округи)

Гражданлик қонунлари совет қонунларининг умумий системасида муҳим ўрин тутади ва иқтисодий ҳаётнинг асосий тармоқларидан бирини — мулкий муносабатларни тартиблаштириш лозим.

Гражданлик ва Гражданлик процессуал кодексларининг лойиҳаларини КПСС Программаси қоидаларига ва коммунизм қуриш даврида жамиятнинг сиёсий ташкил қилишига жавоб беради. Кодексларнинг лойиҳаларида миллий ва маҳаллий хусусиятларнинг ҳамма тафовутлари, судларнинг, прокуратуранинг, гражданлик процесси катнашчиларининг фаолияти тартиби хар томонлама ва тўла ҳисобга олинган, граждан ҳуқуқлари билан гражданлик ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқлари ва бурчларининг бир-бири билан боғланиши, шунингдек шахсий ҳуқуқлар ва манфаатларнинг жамият манфаатлари билан боғланиши аниқ акс эттирилган.

Биз кабул қиладиган процессуал Қонунда совет процессуал ҳуқуқининг демократик принциплари кенг характерлаб берилган. Қонунда гражданлик ишлари бўйича одил судлов фақат суд томонидан ҳамда барча гражданларнинг ўз ижтимоий, мулкий аҳволи ва мансабидан, миллати ва ирқидан, диний эътиқодларидан қатъи назар Қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилиши таъкидланади.

Қабул қилинадиган Гражданлик ва Гражданлик процессуал кодекслари улуғ Ленининг кўрсатмаларига ва КПСС Программасига тамомила мувофиқ равишда гражданлик суд ишларини юритишда жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашлар коллективларининг кенг иштирок этишини кўзда тутади. Ҳозирги вақтда, социалистик жамият шароитида гражданлар ўртасидаги ҳар хил низолар ва келишмовчиликлар тобора кўпроқ ҳолларда жамоатчилик кучи билан бартараф қилинмоқда.

Депутат М. МАҚСУМОВ нутқи

(Тошкент область, Пушкин сайлов округи)

Сессия муҳокамасига тақдим этилган республикамиз Гражданлик ва Гражданлик процессуал кодекслари лойиҳалари Ўзбекистон ССРда гражданлик-ҳуқуқий муносабатларни мукаммал ва равшан тартиблаштиради.

Гражданларнинг ва ташкилотларнинг ҳақикий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида суднинг ҳар томонлама ғамхўрлиги Гражданлик процессуал кодекси лойиҳасининг муҳим демократик хусусиятларидан биридир. Шу мақсадни кўзлаб, суд зиммасига манфаатдор шахсларга уларнинг процессуал ҳуқуқларини тушунтириб бериш ва бу ҳуқуқларнинг амалга оширилишига ёрдам қилиш вазифаси юкланади.

Ленин партияси ва Совет давлати ўз фаолиятларида киши тўғрисида ғамхўрлик қилишга асосий эътибор бермоқдалар. Бу ҳол республиканинг Гражданлик процессуал кодекси лойиҳасида ҳам, Гражданлик кодекси лойиҳасида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Гражданлик ва Гражданлик процессуал кодекслари лойиҳалари КПСС Программасига ва давлатимизнинг иқтисодий сиёсати йўналишига мувофиқ ишлаб чиқилган. Лойиҳалар социалистик мулк ҳуқуқи тўғрисидаги, юридик шахслар доираси ҳақидаги, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш тўғрисидаги, корхоналарнинг план топшириқлари доирасидаги оператив ва мулкий мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳақидаги нормаларни кўзда тутади ҳамда айни вақтда гражданларнинг мулкий ва шахсий ҳуқуқларини кенгайтириб, улар манфаатларининг жамият манфаатлари билан тўғри боғланишини таъминлайди, уларнинг моддий фаровонлиги ва коммунистик онглилиги юксалишига ёрдам беради.

Депутат Р. АБДУЛЛАЕВА нутқи

(Самарқанд область, Қўйтош сайлов округи)

Биз совет халқининг ҳаётида кейинги йилларда рўй берган катта воқеаларнинг шоҳидларимиз.

Мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш учун қураш ҳамма совет кишиларидан юксак уюшқоқлик, жипслик ва интизомликни талаб қилади. Бизнинг совет гражданлик қонунларимиз ана шу вазифаларни ҳал этишга актив ёрдам бериши лозим.

Ушбу сессия муҳокамасига тақдим этилган Гражданлик ва Гражданлик процессуал кодекслари лойиҳалари давлат нуқтаи назаридан ва сиёсий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Одам одамга дўст, ўртоқ ва кардош бўлган бизнинг давлатимизда бир канча масалалар кенг жамоатчилик орқали ҳал қилинади. Кишиларни тарбиялашда, жамоат тартибини ва қонунчилигимизни бузувчиларга қарши курашда ўртоқлик судларининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг роли кейинги йилларда анча ўсди. Шу сабабли биз Гражданлик кодекси лойиҳасида ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунлари билан белгиланган ҳолларда ва тартибда гражданларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ўртоқлик судларининг, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларининг роли ҳақида тўғри кўрсатилганлигини табриклаймиз.

Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг 119-моддасида гражданларнинг шахсий фойдаланишидаги мол-мулкдан меҳнат қилмай даромад олиш учун фойдаланилишига йўл қўйилмаслиги кўзда тутилади. Биз текинхўрларга қарши, совет гражданлик қонунларининг демократизмидан ўзларининг тамагирлик мақсадларида фойдаланувчи кишиларга қарши кураш олиб боришни талаб қиладиган нормаларнинг қабул қилинишини тамомила табриклаймиз.

Мен кодексларни тасдиқлаш ҳақидаги таклифни қувватлайман ва шу билан бирга қуйидаги таклифни киритаман:

Гражданлар ўз мулкларини муайян ижтимоий фойдали мақсадлар учун давлат, кооператив ёки жамоат ташкилотларига текин топширадиган ҳоллар амалда, турмушда кўпинча бўлиб туради. Ана шу муҳим гражданлик-ҳуқуқий қоида кодекс лойиҳасида акс эттирилиши лозим.

Олий Советнинг янги Гражданлик ва Гражданлик процессуал кодексларини қабул қилиши республикамизда қонунларни янада мукаммаллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлади.

Депутат Д. ЕШИМБЕТОВ нутқи

(Қорақалпоғистон АССР, Тахиатош сайлов округи)

Сессия муҳокамасига тақдим этилган Гражданлик ва Гражданлик процессуал кодексларининг лойиҳалари ижтимоий ҳаётнинг ҳамма асосий соҳаларини акс эттиради. Ўзбекистон ССР гражданлари эга бўлган шахсий ва мулкий ҳуқуқларининг бойлиги ва кўп тарафламалигини яккол кўрсатади. Лойиҳалар КПСС Программасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва давлатимиз иқтисодий сиёсатининг йўналишини акс эттиради.

Илгари амалда бўлган кодексда Конституцияга мувофиқ, мамлакатимизда социалистик мулкнинг икки формаси — давлат мулки ва кооператив-колхоз мулки борлиги кўрсатилган эди. Кодекс лойиҳасида жамоат ташкилотларининг мулки ҳам социалистик мулк эканлиги таъкидланади. Шунингдек колхозлараро ташкилотлар ва уларнинг бирлашмалари, шунингдек давлат-колхоз ва давлат-кооператив ташкилотларининг юридик шахс сифатида мавжудлиги қонун билан мустаҳкамланди. Бу ҳол колхоз мулкининг давлат мулки билан якинлашиш процессига сўзсиз ёрдам беради.

Хўжалик хисоби корхоналарнинг фаолиятида мустаҳкам ўрин олди, бирок республикада хўжалик хисоби билан боғлиқ муносабатларни мустаҳкамлаб қўядиган бирорта ҳам қонун шу вақтгача йўқ эди. Таклиф қилинган лойиҳада хўжалик ҳисобининг мавжудлиги билан боғлиқ қоидалар биринчи марта бир жойда тўпланган.

Кодексларнинг лойиҳалари давлатимизнинг гражданлар учун ҳаётий муҳим ҳуқуқларини мустаҳкамлаш тўғрисида қилаётган катта ғамхўрлигини ифодалаб, гражданларнинг васият қилиб қолдирилган мулкни ўз ихтиёрича тасарруф қилиш ҳуқуқларини, уй-жой биноларини ижарага олиш бўйича гражданларнинг ҳуқуқини, товарларни ва бошқа мулкларни харид қилувчи, заказчи ёки шартнома бўйича ишга қабул қилувчи гражданларнинг ҳуқуқларини амалдаги қонунлардагига нисбатан кенгайтиради. Шунингдек, фан, адабиёт ва санъат асарлари учун авторлик ҳуқуқлари, кашфиётлар, ихтиролар ва рационализаторлик таклифлари учун авторларнинг ҳуқуқлари ҳам таъминланади.

Қорақалпоғистон меҳнаткашлари граждан ишлари бўйича одил судловни таъминлашнинг ҳозирги талабларига мувофиқ бўлган ва гражданларнинг қонун билан белгиланадиган ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлайдиган бу қонун лойиҳаларини якдиллик билан маъқуллайдилар.

Депутат Т. А. ЖАЛИЛОВ нутқи

(Қорақалпоғистон АССР, Шуманай сайлов округи)

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан ушбу сессия муҳокамасига тақдим этилган Гражданлик ва Гражданлик процессуал кодексларининг лойиҳалари ССР Олий Совети томонидан 1961 йил декабрида қабул қилинган ССР Иттифоқи ва иттифоқчи республикаларнинг гражданлик қонунлари ва гражданлик судлов ишларини юргизиш асосларига тамомила мувофиқ равишда ишлаб чиқилган.

Партиямизнинг КПСС XXII съездида белгилаб берилган ҳамда жамоатчиликни жамоат тартибини сақлашга, гражданларни ва давлат аппарати ходимларини совет қонунига, социалистик жамият қоидаларига, коммунизм қурйётган жамиятнинг ахлок принципларига чинакам ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялашда актив қатнашишга жалб этишга қаратилган йўли Гражданлик процессуал кодекси лойиҳасида ўз ифодасини топмоқда.

Гражданлик процессуал кодекси лойиҳасида кўзда тутилган ва қонун бузиш ҳолларининг олдини олишга қаратилган нормалар партия томонидан милиция, прокуратура ва суд органлари олдига қўйилган вазифани — социалистик қонунчиликка қаттиқ амал қилишини таъминлаш, ҳуқуқ тартибини бузиш ҳолларини тамомила йўқотиш, жиноятларни тугатиш ва бу жиноятларни келтириб чиқарадиган ҳамма сабабларни бартараф қилиш вазифасини бажаришга сўзсиз ёрдам беради.

Муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаларида Совет давлати ва социалистик мулк асосларини, совет гражданларининг ҳуқуқлари, қадр-қиммати ва шаънини кўриқлаш масалаларида социалистик гуманизм янада ривож топди.

Гражданлик кодексининг лойиҳаси совет халқининг ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган ва меҳнат қилмай, ҳусусий мулкдан даромад оладиган кишиларга қарши қатъий кураш олиб бориш иродасини ифодалаб, меҳнат қилмай топган даромадлар ҳисобига сотиб олинган ёки даромад олиш учун фойдаланилаётган мулкнинг мусодара қилинишини кўзда тутадиган нормани белгилайди. Алимент даъволари бўйича тегишли тўловларни гражданларнинг омонат кассаларидаги пулларидан ундириб олишга йўл қўядиган коида катта амалий аҳамиятга эга бўлади.

Депутат Жалилов кодекслар лойиҳаларини тасдиқлаш ҳақидаги таклифни қувватлаб, хазина топган учун мукофот олиш ҳуқуқи тўғрисида Гражданлик кодексига қўшимча киритишни таклиф этди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР МАЪМУРИЙ-ТЕРРИТОРИАЛ БЎЛИНИШИДАГИ БАЪЗИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қуйидаги Фармонлари тасдиқлансин:

«Ўзбекистон ССР районларини йириклаштириш тўғрисида»ги 1962 йил 24 декабрь Фармони;

«Тошкент шаҳри составида янги, Чилонзор районини тузиш тўғрисида»ги 1962 йил 27 декабрь Фармони.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1963 йил 22 март. Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ТАЙЁРЛАШ КОМИССИЯСИ РАИСИ ДЕПУТАТ А. А. ХЎЖАЕВНИНГ ҚЎШИМЧА ДОКЛАДИ

Депутат ўртоқлар! Совет Иттифоқи Коммунистик партияси миллий сиёсатнинг ленинча принципларини амалга ошира бориб, иттифоқчи республикаларда қонун чиқаришни ривожлантириш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг ташаббуси билан СССР Олий Совети иттифоқчи республикалар судларининг тузилиши ва суд ишларини юритиш тўғрисида қонунлар чиқаришни, шунингдек гражданлик кодексларини ва жиноят кодексларини қабул қилишни иттифоқчи республикаларнинг ихтиёрига ўтказиш тўғрисида 1957 йил 11 февралда Қонун қабул қилди.

Гражданлик қонунлари чиқариш совет қонунларини чиқаришнинг умумий системасида муҳим ўринни эгаллайди. Гражданлик қонунлари иқтисодий турмушнинг асосий тармоқларидан бирини — мулкий муносабатларни тартибга солиб туриши лозим. Қонунлар чиқаришнинг бу тармоғи социализмнинг объектив иқтисодий қонунларидан тағин ҳам самаралироқ фойдаланишга, социалистик экономикани янада ривожлантиришга, халқ фаровонлигини оширишга эришишга ёрдам беради.

Республикамизда Гражданлик кодексини ва Гражданлик процессуал кодекси лойиҳаларини тайёрлаш соҳасида катта иш қилинди. Бу кодекслар коммунистик қурилишни муваффақиятли амалга оширишда муҳим роль ўйнаши лозим. Ўзбекистон ССР Олий Советининг Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссияси шу лойиҳаларни кўриб чиқиб, уларнинг асосий қоидаларини тўғри деб, Коммунистик партия янги Программасига ва КПСС XXII съездининг қарорларига, Гражданлик қонунлари чиқариш Асосларига мувофиқ ҳамда СССР ва иттифоқчи республикаларнинг суд ишларини юритиш асосларига ва СССРнинг бошқа қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган, деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, Комиссия мазкур кодексларнинг лойиҳаларига доир қуйидаги таклифларни Олий Советга тақдим этишни зарур деб ҳисоблайди.

Комиссия Гражданлик кодекси лойиҳасининг 25-моддасини қай тартибда вужудга келиши қонунларда кўзда тутилмаган жамоат ташкилотлари шу ташкилотларнинг уставларида белгиланган тартибда тузилади, деган кўрсатма билан тўлдиришни зарур деб ҳисоблайди.

Социалистик жамият гражданларининг шахсий мулк ҳуқуқларининг энг муҳим принципларидан бири — шахсий эҳтиёжларни қондирмоқ учун турар уйдан фойдаланиш принципи шу кодекс лойиҳасининг 124-моддасида мустаҳкамланган. Мана шу турар уйдан ёки дачадан меҳнатсиз даромад олиш учун фойдаланилган тақдирда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Совети ижроия комитетининг талаби билан ўша турар уй ёки дача меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Совети ижроия комитетининг даъвоси билан суднинг қарорига биноан пул тўланмай олиниши керак. Комиссия шу қоидаларга қўшилган ҳолда, гражданларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида шу модданинг учинчи қисмида, турар уй ёки дачалар амалдаги қонунларда кўрсатилган ҳамма шартларга риоя қилинган ҳолда ижарага берилганида бу турар уйлар ва дачаларнинг пул тўланмасдан олинишига йўл қўйилмайди, деб белгилаб қўйишни таклиф этади. Шу сабабли, комиссия Ўзбекистон ССР Министрлар Советидан гражданларга шахсий мулк ҳуқуқида тегишли бўлган уйлардаги ва дачаларда

ЯНГИ МАРРАЛАРНИ ЭГАЛЛАЙМИЗ

О. МАҲМУДОВ,
Самарқанд қишлоқ область партия комитетининг биринчи секретари

Устьлабинскликлар ва янги йўлликлар етти йилликнинг бешинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ мусобақасининг байроқдори бўлиб майдонга чиқдилар. Уларнинг улуғ ватанпарварлик ташаббуси партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг ундан кейинги Пленумлари қарорларини муваффақиятли амалга оширишга қаратилгандир. Республикамизнинг ҳамма ерида бўлгани каби Самарқанд областининг механизаторлари ҳам уларнинг олижаноб чақириғини бирдамлик билан маъқулладилар.

Ватанпарварлик чақириқлари деярли ҳамма колхоз ва совхоз коллективларининг йиғилишларида муҳокама қилинди. Агитатор ва пропагандистлар, партия, совет, қасаба союз ва комсомол ходимлари жойларда меҳнаткашлар билан ўтказган суҳбатларида устьлабинскликлар ва янгийўлликларнинг социалистик мажбуриятлари ва бу тўғрида КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарорларнинг моҳиятини сўзлаб бердилар. Бу чақириқлар колхозчилар ва совхоз ишчиларида янги меҳнат активлигини вужудга келтирди, ҳар бир кишида мана шу мусобақада қатнашиш ва умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшиш кучайиб кетди.

Шу муносабат билан Нурота ва Пастдарғом ишлаб чиқариш бошқармалари меҳнаткашларининг бўлиб ўтган йиғилишлари айниқса ишчанлик вазиятда ўтди ва бу бошқармаларнинг ташаббуси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланди.

Маълумки, Пастдарғом областимизнинг юқори ҳосилли райони ҳисобланади. Бу ерда илгариги йиллари гектаридан 30-35 ҳатто 40 центнердан «оқ олтин» олган илғор хўжаликлар, бригадалар бор эди. Афсуски, ўтган йилда бу районда пахта тайёрлаш плани бажарилмади, ҳосилдорлик эса анча камайиб кетди. Баъзи колхозларнинг раҳбарлари юз берган қийинчиликлар олдида довдираб қолдилар, ишчи кучлари, техника, сув ресурсларидан унумли фойдаланмадилар.

Пастдарғомликлар бу йил ўз олдиларига қолоқликка барҳам бериб, илгариги шуҳратни тиклаш вазифасини қўйдилар. Улар бу йил Ватанга 50 минг тонна пахта етказиб беришга аҳд қилдилар. Бу ўтган йилдагидан 12 минг тонна кўп. Ҳозир районда пахтанинг яллиғ маҳсулотини қўпайтиришга ёрдам берадиган ички резервлар, мавжуд имкониятлар ишга солинмоқда. Бунинг учун пахта майдони 1.500 гектар кенгайтирилди, янги суғориш системалари қурилмоқда.

Пахтакор хўжаликларда асосий эътибор ҳосилдорликни кўтаришга қаратилмоқда. Шу мақсадда илғор тажрибаларни оммалаштириш ва жорий этиш тадбирлари кўрилмоқда. Ҳозир бошқарма далаларида чигит экишга тайёргарлик қучайтирилди. Барча экин майдонлари шудгорлаб қўйилди. Ер ҳайдаш олдидан майдонларга маҳаллий ва минерал ўғит солинди.

Бошқарма партия комитети хўжаликка раҳбарликни қайта қурди, ходимлар ишлаб чиқариш манфаатларини кўзлаб, бутун ишни омма билан бамаслаҳат, бошланғич партия ташкилотларига таянган ҳолда олиб бормоқда. Хўжаликлар ўз зиммаларига пахта, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштириш юзасидан мажбуриятлар олган эканлар, улар даставвал ўзларидаги мавжуд резервларни ҳисобга олдилар.

Пахтачиликда кўп йиллик тажриба далачилик бригада ва звенолари ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Шуни ҳисобга олиб, бошқарма партия ташкилоти бригада бошлиқларини танлашга жиддий эътибор берди, уларнинг составини ишчан, қобилиятли, агротехника қоидаларини яхши биладиган тадбиркор кишилар билан мустаҳкамлади.

Областимизда пахта етиштиришни йил сайин кўпайтириб бораётган колхоз ва совхозлар анча бор. Норпой ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Самарқанд» «Октябрь 40 йиллиги» колхозлари ўтган йилги оғир об-ҳаво шароитида ҳам ҳамма қийинчиликларни енгиб, пахта тайёрлаш планини бажардилар. Бу хўжаликларда гектаридан 25-26 центнердан ҳосил кўтарилди. Ана шу колхозларнинг партия ташкилотлари ўтган йили эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб, янги марраларни эгаллаш учун курашмоқдалар. Улар устьлабинскликлар ва янгийўлликлар чақириғига жавобан бу йил ҳосилдорликни 30-32 центнерга етказиш тадбирларини кўрмоқдалар. Ҳар иккала хўжаликда ҳам чигит экиладиган майдонлар сифатли шудгорланди, техника кўкламга шайлаб қўйилди. Ҳозир механизаторларни ўқитиш, гўнг жамғариб қўйиш ва бошқа зарур ишлар олиб борилмоқда.

Бўлунғур ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Октябрь» колхозининг аъзолари яхши ташаббус бошлаб беришди. Бу хўжаликда мутахассисларнинг маслаҳати билан гўнг фабрикаси ташкил этилди. Гўнгни тўплаш ва чиритишнинг янги усули кенг қўлланилиб, ундаги фойдали моддаларни бехуда кетказмаслик имконияти яратилди. Ҳозир бу иш кўпгина колхоз ва совхозларда қўлланилмоқда.

Бу йилги мажбуриятга кўра, область пахтакорлари мамлакатга 348 минг тонна пахта етиштириб беришни керак. Партия ташкилотлари бутун оммавий-сиёсий ва ташкилотчилик ишларини ана шу вазифани амалга оширишга қаратдилар. Ишлаб чиқариш бошқармалари, колхоз ва совхозлар, бўлимлар, бригада ва звенолараро тузилган социалистик мусобақа шартномаларида ҳам бу масала асосий вазифа қилиб олинди.

Шуни айтиш керакки, бир қатор колхоз ва совхозларда кўкламги экишга ҳозирлик кўришнинг бориши талабга жавоб бермайди. Вақт ўтаб бораётганига қарамай, техникани ремонтдан чиқариш, квадрат-уялаб чигит экиладиган агрегатларни тайёрлаш суст бормоқда. Партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари бу нуқсонларни тугатишлари мўл хосил учун курашни чинакам авж олдиришлари лозим. Бунинг учун биз ноябрь Пленуми кўрсатмаларига мувофиқ, ихтиёримиздаги барча воситаларни ишга солишимиз, хўжаликка раҳбарликни кескин яхшилашимиз, бу раҳбарликнинг янги усулларидан фойдаланишимиз ва такомиллаштиришимиз лозим.

Пахта тайёрлаш юзасидан зиммамизга олган мажбуриятимизни сўзсиз бажариш учун биз муҳим резервлар ҳисобланган партов ерларни ўзлаштириш, колоқ хўжаликларни илғорлар даражасига кўтариш, қудратли техникадан унумли фойдаланиш, илғорлар тажрибаси, фан ютуқларини жорий этиш, етарли миқдорда маҳаллий ўғит тўплаб, ерни тўйдириш, энг муҳими, Зарафшон водийсида сувдан фойдаланиш масаласини ҳал қилишимиз керак.

Партия ва ҳукумат мамлакат манфаатларини кўзлаб, биздан қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам жадал ривожлантиришни талаб қилмоқда. Самарқанд областининг ғаллачилик, чорвачилик, сабзавот ва боғдорчиликдаги имкониятлари беқиёсдир. Шуларни ҳисобга олиб, бу йилги халқ хўжалиги планида область бўйича 36 минг тонна картошка, 84 минг тонна сабзавот, 67 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 78 минг тонна мева ва узум, 1600 тонна пилла, 32,1 минг тонна гўшт, 54,4 минг тонна сут, 5 минг тонна тамаки, 4270 тонна жун, 14 миллион дона тухум, шунингдек, бошқа маҳсулотлар етиштириш ва тайёрлаш режалари белгиланди. Реал имкониятларга таяниб планлаштирилган бу вазифаларни муваффақиятли бажариш қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнатига, партия ташкилотларининг ишчанлигига, ташкилотчилигига, оммани уюштириш ва сафарбар эта олишларига боғлиқ.

Нурота чорвадорлари яна бир олижаноб ташаббус билан майдонга чиқдилар. Улар Усть-Лабинск ва Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармалари меҳнаткашларининг чақириғидан руҳланиб, ўз имкониятларини қайта кўриб чиқдилар ва бу йил 5.500 тонна гўшт, 155 минг дона қорақўл тери, 2 миллион 110 минг тонна ғалла етиштириш юзасидан қўшимча мажбуриятни олдилар. Бу мажбуриятни уддалаш учун ҳозир 102 минг бош қўй, 45 минг бош қорамол, 2 минг бош чўчқа боқиб семиритирилмоқда. 1963 йилда бу бошқарма бўйича 62,2 минг гектар ерга дон ва дуккакли экинлар экилади.

Нуроталик ватанпарварларнинг ташаббуси областнинг бошқа хўжаликларида ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Масалан, «Бахмал» совхози коллективи 1963 йилда гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан юксак мажбуриятни олди. Булутургига нисбатан 278 тонна кўп, яъни 825 тонна гўшт етиштиришга, йил мобайнида гўштга топшириш учун 1.300 қорамолни сўқимга, 6.500 бош қўйни бўрдоқига боқишга, 2 минг бош чўчқани семиритиришга аҳд қилинди.

Шунингдек, область партия комитети бундан сўнг туячилик ва йилқичиликни ривожлантириш юзасидан қарор қабул қилди. Ҳамма қорақўлчилик колхоз ва совхозларида махсус туячилик фермалари ташкил этилади. Йилқичилик фермаларининг сони кўпаяди.

Областдаги ҳамма ишлаб чиқариш бошқармалари давлатга гўшт сотиш биринчи квартал планини муддатидан илгари бажардилар. Пойариқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Энгельс номли колхоз сингари ўнлаб хўжаликлар эса давлатга гўшт сотиш йиллик планини адо этдилар.

Самарқанд — республикамизнинг асосий ғалла базасидир. Ғаллакорларнинг республика кенгаши бизнинг областимизда ўтказилди. Кенгашда дон етиштиришни кўпайтиришнинг катта имкониятлари тўғрисида кенг фикрлашиб олинди. Ғаллакор хўжаликлар кузда асосий майдонларга дон эккан эдилар. Баҳорда яна 140 минг гектарга яқин ерга арпа, бўғдой ва дуккакли экинлар экишни кўзда тутганмиз. Яқин кунларда баҳори дон экиш тугалланади.

Устьлабинскликлар ва янгийўлликлар чақириғига жавобан, 1963 йилда янги марраларни эгаллаш, коммунистик мўл-кўлчиликка муносиб ҳисса қўшиш туйғуси билан яшаётган областимиз меҳнаткашлари етти йилликнинг бешинчи йили вазифаларини шараф билан адо этадилар.



Бепоён яйловларга ўт-ўланлар гилами тўшалмоқда. Сурув-сурув қўй-қўзилар яйраб-яшнаб ўтлаяпти. Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Коммуна» колхозининг ёш чўпони Ситой АМЕТОВ ҳар юз совлиқдан 110 тадан қўзи, ҳар бир қўйдан 6 килограммдан жун олиш учун курашмоқда. СУРАТДА: меҳнатсевар чўпон эгиз туғилган қўзилари билан. Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЭКИШГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНИНГ

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

Республикамиз пахтакорлари улуғ етти йилликнинг бешинчи йилида она-Ватанга 3 миллион 566 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Ана шу ҳосилга замин яратиш учун далаларда иш тобора қизғин тус олмоқда. Илғорлар тажрибаси кенг оммалаштирилмоқда. Ёшлар янги ер очиб, пахта майдонларини кенгайтирмоқдалар.

Машҳур механизатор Турсуной Охунованинг қолоқ бригадага ўтиб ишлаш юзасидан бошлаган янги ташаббусига кўпгина азаматлар қўшилиб, ҳосилдорликни кескин оширишга аҳд қилмоқдалар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор Матлуба Назарова юрак амри билан Сирдарё область, Жиззах ишлаб чиқариш бошқармасидаги 1-«Пахтакор» совхозига келганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин бригада коллективи экишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Шунга ўхшаш ажойиб ишлар ҳақида редакция қишлоқ мухбирларидан кўпгина хат-хабар олмоқда.

— Устьлабинскликлар ва янгийўлликларнинг ватанпарварлик ташаббуслари,— деб ёзади Н. Муродов,— Шеробод ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Бойсун» совхози ишчиларининг ғайратини оширибюборди. 3-бўлим ишчилари қисқа вақт ичида 4.580 тонна гўнг тайёрладилар.

Шаҳрисабз районидаги «Партия XX съезди» колхози аъзолари булутур гектаридан 27 центнердан ҳосил кўтариб, яхши натижаларга эришган эдилар. Азамат пахтакорлар бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 7 центнер оширишга аҳд қилганлар. Ер куздаёқ сифатли шудгор қилинди. Барча пахта майдонига яхоб берилиб, гектар бошига 10 тоннадан маҳаллий ўғит жамғарилди.

Газетхонлардан Х. Ҳақбердиев, Т. Бурхонов, Т. Тешабоев, Н. Абанов ўртоқларнинг ёзишича, Қарши ишлаб чиқариш бошқармасидаги Энгельс номли колхозда, Шўрчи ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Комсомол 30 йиллиги» совхозида ҳам иш қизғин бораётир.

Охунбобоев ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Намуна» колхози кўп йиллардан буён пахта тайёрлаш планини бажара олмай келар эди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг кенгайтирилган йиғилишида ҳосилдорликни ошириш масаласи қизғин муҳокама қилинди. Кадрлар жой-жойига қўйилгач, иш анча яхшиланди. Мўл ҳосилга пухта замин яратиш мақсадида барча пахта майдони сифатли шудгор қилинди, 800 гектар ерга яхоб берилди. Ариқ-зовурлар тозаланиб, ерлар чигит экишга тахт қилинмоқда.

Москва ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Янги ҳаёт» газетасининг ходими ўртоқ С. Мирзаев Балиқчи районидаги «Ленинград» колхозининг зафарлари ҳақида бундай деб ёзади:

— Бу йил колхозда 1.250 гектар майдонга чигит экилиб, гектаридан 25,6 центнердан ҳосил етиштириш учун фидокорона меҳнат қилинмоқда. Минерал ва маҳаллий ўғит солиниб, кузда шудгор қилинган 640 гектар ер экишга тахт қилиб қўйилди.

Бухоролик М. Ражабов, Б. Беков, самарқандлик Л. Штаинбах, Ш. Тошқувватов, Л. Сувонқулов, тошкентлик С. Раҳимов, Й. Ўринбоев, А. Холбоев, сирдарёлик Н. Шарипов, Б. Пернебиков, И. Иброҳимов, хоразмлик С. Собиров, К. Авазов, қорақалпоғистонлик О. Оймбетов, Й. Иброҳимов, А. Бобожонов ўртоқларнинг хатларида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини муваффақиятли бажариш учун баракали меҳнат қилаётган колхоз-совхозларнинг намунали ишлари баён этилади.

Лекин иш ҳамма ерда ҳам бир хил деб бўлмайди. Денов ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликлар ўтган йили давлатдан 9.200 тонна пахта қарздор бўлиб қолдилар. Генерал Раҳимов номли, Свердлов номли, Ленин номли, «Ленин байроғи», «Шарқ юлдузи» каби бир қанча колхозларда ҳосилдорлик кескин камайиб кетди. Ишлаб чиқариш бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Х. Хўжаев) ва бошқарма партия комитети (секретари ўртоқ Э. Мавлонов) ходимлари бултур йўл қўйилган хатолардан тегишли хулоса чиқариб олишмаётганга ўхшайди. Буни бошқармага қарашли колхоз-совхозларда бу йил ҳам экишга сust тайёргарлик кўрилаётгани кўрсатиб турибди.

Маҳаллий ўғит жамғаришда транспорт воситаларидан атиги 32-35 процент фойдаланилмоқда. «Ленинизм» колхозида пландаги 19 минг 520 тонна ўрнига 6.973 тонна маҳаллий ўғит чиқарилди. Мавжуд 7 машинадан иккитаси, 24 аравадан 15 таси маҳаллий ўғит чиқаришга сафарбар қилинган, холос. Колхоз правлениеси (раиси ўртоқ Раҳмонов) ва бошланғич партия ташкилоти (секретари ўрток Бобоева) бу ишга эътибор бермаётирлар.

Шунингдек, Шаҳрисабзлик М. Сатторов «Қизил Шарқ» колхозида экиш олди ишлари жуда ёмон аҳволда эканлигини танқид қилади. Колхозда ўтган йили гектаридан 21 центнердан ҳосил олинди. Айрим бригадаларда ҳосилдорлик бундан ҳам паст бўлди. Колхоз раҳбарлари йил бошида: «Бу йил ҳосилдорликни кескин ошириш йўли билан хўжаликнинг аввалги шуҳратини тиклаймиз, бунинг учун кўкламги экиш бошланғичча далага 7.200 тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқарамиз, техникани 20 февралдан кечиктирмай, тўла ремонт қиламиз», деб дабдабали ваъда берган эдилар. Шунга қарамай, энди бир минг тонна маҳаллий ўғит тайёрланган. Ўндан ортиқ сеялка, бир қайдов трактори, тўртта «универсал», 23 борона ва бошқа қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ремонт қилинмаган. Иккита «ДТ-24», 2 та «ДТ-28», 5 та «У-3» тракторлари ҳам фақат «хўжа кўрсин»га ремонт қилинган. Бу аҳвол колхоз бош инженери О. Турсуновни ташвишлантирмаётир. Қишлоқ мухбири С. Нуримовнинг хабар беришига қараганда, Тўрткўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Беруний номли колхозда ҳам ишлар ўлда-жўлда.

Ҳозир жон куйдирмаган киши кузда «аттанг» деб юзи шувут бўлиб қолиши мумкин. Буни қаттиқ эсда тутиш, экиш бошланғичча ҳамма тайёргарлик ишларини намунали ўтказиш керак.

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН да Босилганлар кейини

«ЎҚИШХОНАДА БЕДАНАБОЗЛИК»

Самарқандниинг 1-Мўлиён маҳалласи чойхонасидаги ўқишхонада маданий-оқартув ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, китоб ва брошюралар чанг босиб ётгани, ўқишхона эса беданабозлар тўпланадиган жойга айланиб қолгани шу сарлавҳа остида босилган материалда танқид қилинган эди.

Текширишда, — дейилади Самарқанд шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ И. Одиловдан олинган жавоб хатда, — мақолада келтирилган фактлар тасдиқланди. Мўлиён маҳалласидаги чойхона ҳақиқатан ҳам беданабозлар хонаси бўлиб қолган. «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Ўқишхонада беданабозлик» сарлавҳали материал босилгандан сўнг маҳалла аҳолисининг йиғилиши ўтказилди. Унда газетада келтирилган фактлар муҳокама қилинди. Йиғилиш қатнашчилари чойхонада қатъий тартиб ўрнатишни талаб қилдилар. Маҳалла меҳнаткашлари ўртасида маданий-оқартув ва сиёсий тарбия ишларини кучайтиришга, чойхонани маданий-тарбиявий ишлар марказига айлантиришга қаратилган тадбирлар белгиланди.

«ЮЛҒИНЧИЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ»

Газетамизнинг шу йил 22 февраль сонида шу сарлавҳа остида босилган мақолада Тошкент шаҳридаги умумий овқатланиш жойларида сотилаётган маҳсулотнинг сифатига етарли эътибор берилмаётганлиги, харидорларни алдаш, гўшт дўконларида эса сортларнинг бузилаётгани, колхоз бозорларида савдогарларга қарши кураш олиб борилмаётгани танқид қилинган эди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо бошқармасидан олинган хатда бундай дейилади: «Юлғинчиларга шафқат йўқ» сарлавҳали мақола муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳар савдо бошқармаси «Ташхлеторг», «Райпишчеторг»лар, ва бозор комитетларига мақолада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш тадбирларини белгилаш ва бозор комитети ишидаги камчиликларни тугатиш вазифаси юклатилди. Сабзавот маҳсулотларини давлат савдо дўконларида, айниқса бозорлардаги давлат дўконларида кўплаб сотиш чораси кўрилди.

Мақолада келтирилган фактлар бўйича, — дейилади Куйбишев ошхоналар трести директори ўртоқ А. Кразининг редакцияга шу мақола юзасидан ёзган хатида,—трест қарамоғидаги тоҳчалар бўйича текшириш ўтказилди. Фактлар асосан тўғри чиқди. Текшириш якуни бўйича бир қанча амалий чоралар кўрилди. Бозорларда ва кўчаларда сотилаётган манти, сомса, кабоб сингари миллий овқатлар, шунингдек беляшли, пирожки каби бошқа хил таомлар учун ягона масаллиқ ўлчами ва ягона нарх белгиланди. Ҳамма ошхона ошпазларига янги ишлаб чиқилган овқат тайёрлаш технологиясига тўла риоя қилиш топширилди. Шу кунларда трестнинг нулинария совети миллий овқатларнинг ҳилини кўпайтиришга қаратилган янги технология тайёрламоқда.

Шаҳар Куйбишев район «Пишчеторги»дан олинган хатда эса гўшт сотишда сортларни бузгани учун 19-магазин сотувчиси Ғаниев, 29-магазин сотувчиси Турсунов, 28-магазин сотувчиси Зоҳидовларга нисбатан мазмурий чора кўрилгани ва бу масала магазин мудирлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда ишлаб чиқилгани маълум қилинади.

«САВДАТГА ҚЎЙИЛГАН АВТОМАТЛАР»

Фарғона шаҳар алоқа бўлими биносига қўйилган газета, открыткалар сотувчи автоматларнинг ишламаслиги шу сарлавҳали хабарда танқид қилинган эди.

Ўзбекистон ССР матбуот тарқатиш бошқармаси «Союзпечать»нинг редакцияга хабар қилишича, автоматлардаги нуқсонлар тузатилган. Автоматлар ҳозир нормал ишламоқда.

Паррандачилар муваффақияти

Самарқанд областининг паррандачилари тухум тайёрлаш квартал планини муддатидан олдин бажардилар. Ўтган йилнинг шу давридагига қараганда бир миллион дона кўп тухум топширилди. Каттақўрғон, Норпой, Самарқанд ишлаб чиқариш бошқармалари ҳам квартал топшириғини анча ошириббажардилар. (ЎзТАГ).

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

Хева ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Калинин номли колхоз пахтакорлари бу йил 1152 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтариш учун курашмоқдалар. Коммунист Оллоберган Собиров бошлиқ бригадада ернинг шўри 4 марта ювилди, гектар бошига 13 тоннадан маҳаллий ўғит жамғариб дала бошига чиқарилди.

Қ. РАЖАБОВ.

* * *

Ҳамза номли колхозда чигит экишга тайёргарлик ҳар қачонгидан яхши ташкил этилди. Тўйчи Бобоев бошлиқ бригадада 110 гектар ер чигит экишга тахт қилиб қўйилди. Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли колхозларда бундай илғор бригадалар кўп.

Х. АНДАҚУЛОВ.

* * *

«Коммунизм» (Денов ишлаб чиқариш бошқармаси) колхозида ҳамма унверсаллар экишга тахт қилиб қўйилди, экипаж аъзолари ҳам шайланиб турибдилар.

М. БОТИРОВ.



Одатда чет эл туристлари Нью-Йоркка келишганда шаҳар хўжайинлари уларга машҳур фонд биржасини, Озодлик ҳайкалини, Уолл-стрит ва бошқа диққатга сазовор жойларни кўрсатадилар. Қашшоқлар яшайдиган Бауэри районига эса ҳеч бир турист таклиф қилинмайди. Вақоланни, бу ерда «озодлик дунёси»нинг ҳақиқий башараси кўриши мумкин. Ишсиз, бошпанасиз қолган кишилар тротуарларда тунайдилар. Ахир улар иш топилмагач қаерга ҳам бора олар эдилар.

Пренса Латина — ТАСС фотоси.

ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРДАН ХАБАРЛАР

МАРШАЛ Р. Я. МАЛИНОВСКИЙ ИНДОНЕЗИЯДА

ЖАКАРТА, 25 март. (ТАСС). Президент Сукарнонинг таклифига биноан, СССР мудофаа министри Р. Я. Малиновский бугун Жакартага келди.

Совет ва Индонезия байроқлари билан безатилган аэродромда фахрий қоровул саф тортиб турар эди. Биринчи министр Жуанда, қуролли кучлар штабининг бошлиғи Насутион, Индонезия армияси барча қўшин турларининг қўмондонлари совет мехмонини самимий табриклаб кутиб олдилар.

Аэродромдан резиденцияга бориш йўлида: «Маршал Малиновский, хуш келибсиз!», «Яшасин Индонезия — Совет дўстлиги!» деган шиорларни ва байроқларни кўтариб олган жуда кўп кишилар Р. Я. Малиновскийни табриклардилар.

Бугунги газеталар азиз совет мехмонининг портрети ва таржимаи ҳолини босиб чиқардилар.

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

△ *«Звезда» совет балиқ овлаш илмий кемаси Дакарга (Сенегал) келди. Бу кема Атлантика океанининг тропик зонасида сувнинг оқимларини ва бошқа физик хусусиятларини ўрганиш соҳасидаги илмий тадқиқот ишларида қатнашади. Шунингдек, «Михаил Ломоносов» совет илмий тадқиқот кемаси ҳам Дакар портига келиб кетди.*

△ *Токиода «Япония—СССР» жамиятининг ҳар йиллик съезди очилди. Съезд жамиятнинг ўтган йилги фаолияти масалаларини муҳокама қилади, 1963 йилга мўлжалланган программани қабул қилади ва янги раҳбарликни сайлайди. Съездда «СССР—Япония» жамиятининг раиси М. В. Нестеров бошчилигида жамият делегацияси қатнашмоқда.*

△ *Франциз демократлари Тунисда коммунистларнинг таъқиб қилинишига қарши коррозилик билдирмоқдалар. Франция Коммунистик партияси бош секретарининг ўринбосари Вальдек Роше томонидан Тунис президенти Бургибага юборилган телеграммада: «Тунис Коммунистик партияси ва унинг матбуоти тақиқланганлиги, партия раҳбарларининг ва аъзоларининг таъқиб қилинаётганлиги ва қамоққа олинаётганлиги Францияда ташвиш ва ғазаб туғдирди», деб айтилади.*

△ *Австралиядаги Квинсленд штати тинчлик тарафдорларининг Брисбенда бўлиб ўтган конференциясига ҳар хил касбдаги, турли эътиқоддаги кишилардан иборат уч юзга яқин делегат тўпланди. Делегатлар баёнот қабул қилиб, ядро синовларининг тақиқланишини ҳамда Жанубий ярим шарнинг ядро қуролидан холи зонага айлантирилишини талаб этдилар. Конференция қатнашчилари ўзга давлатларнинг территорияларида шу жумладан Австралияда чет эл базаларининг вужудга келтирилишига қатъий қарши чиқдилар.*

△ *Жанубий Вьетнам жазочилари ва америкалик интервентларнинг Камишлорлар водийсида партизанларга қарши ўтказган навбатдаги операцияси муваффақиятсизликка учради. Америка самолётлари ва вертолётларининг тутун пардаси қилиб, парашютчиларни ташлаганликлари ҳам ёрдам бермади. Дарғазаб бўлган жазочилар партизанлар билан тўқнашишга муваффақ бўлолмаганларидан кейин бир неча қишлоққа ўт қўйдилар ва қуриқ қайтиб кетишга мажбур бўлдилар.*

ГАВАНАДА КЕНГАШ

ГАВАНА, 24 март. (ТАСС). Бу ерда Аграр ислоҳот миллий институти биносида қишлоқ хўжалигидаги илмий тадқиқотлар масалаларига бағишланган биринчи умум Куба кенгаши очилди. Кенгаш ишида институтнинг масъул ходимлари, Фанлар академияси ва Гавана университетининг вакиллари, шунингдек жуда кўп қишлоқ хўжалик станцияларининг ходимлари қатнашмоқда.

ЛОТАРИНГИЯ КОНЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

ПАРИЖ, (ТАСС). Лотарингия темир руда ҳавзасидаги кончилар 19 кунлик забастовкадан кейин иш бошладилар, деб хабар беради Франс Пресс агентлиги. Ҳукумат вакиллари ва корхона эгалари кончиларнинг иш ҳақини ошириш ва меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисидаги музокараларни дарҳол бошлашга розилик билдирганликлари муносабати билан забастовка тўхтатилди.

Бен Белла: Жазоир территориясида ядро синовлари ўтказилишига йўл қўймаймиз

ЖАЗОИР, (ТАСС). Жазоир халқи Жазоирдаги Сахройи Кабирда атом бомбаси синовларини ўтказиш тўғрисида буйруқ берган Франция ҳукуматининг ўтакетган ўзбошимча ҳаракатидан қаттиқ ғазабланди. Шу муносабат билан бу ерда Жазоир Миллий таъсис мажлисининг фавқулодда сессияси бўлди.

Сессияда сўзга чиққан бош министр Бен Белла Эвиан шартномаларининг ҳарбий моддаларини қайтадан кўриб чиқиш мақсадида Франция ҳукуматининг ўтказган ядро синовлари билан музокаралар олиб бориш зарур эканлигини таъкидлади. Ана шу ҳарбий моддалар, деб уқтириб ўтди бош министр, Жазоирнинг мустақиллигига хилофдир.

«Биз,— деди Бен Белла, — ўз территориямизда бундан буён ядро синовлари ўтказилишига йўл қўймаслик ҳақида қарор қабул қилдик».

Газетхонлар ХАТЛАРИДАН

ВАТАНГА САДОҚАТ

(УЗОҚ ШАРҚДАН ХАТ)

Гўзал Фарғона областининг Олтиариқ районидан келган Абдулла Умаров кема экипажининг кенжа аъзоси. Абдулла қисқа вақт ичида кўпчиликнинг ҳурматини қозона олди.

... Бу воқеа ҳеч кимнинг хотирасидан чиқмайди. Кема экипажи жанговар таълим машқи плани бўйича денгизга узоқ сафарга чиққан. Аммо кутилмаганда ҳаво кескин ўзгарди, бирдан қоронғилик тушди. Шимоли-шарқ томондан кучли бўрон ёпирилиб келарди.

Командир матросларга кемадаги юкларнинг мустаҳкамлигини текшириб чиқишни буюрди. Матрослар 2-3 кишидан бўлиб, хоналаридан сакраб чиқиб келдилар. Улар орасида ёш матрос Абдулла Умаров ҳам бор.

Шамол секунд сайин кучайиб, тўлқин 8-9 баллга етар, кучли жала, бунинг устига денгизда кўтарилган сув чанги атрофни кузатишга йўл қўймасди. Ҳаётининг хавф остида қолишига қарамай, Абдулла кеманинг тумшуқ қисмидаги қопқоқни очишга уринарди. Денгиздан ёпирилиб келаётган ғоят зўр сув ўркачи секунд сайин Абдуллани темир бронята ёпиштириб қўйиши аниқ эди.

— Ложись! — боцманнинг кескин командаси бўлди. Абдулла ўзини тўрт бурчакли қопқоқ орқасига ташлади-да, ҳалокатдан қутулиб қолди.

Ярим кечада тўлқин ҳаддан ташқари қутурди. Кема сувнинг кучли тўлқини таъсири остида қалқий бошлади. Шу чоқ матрос Абдулла Умаровнинг аъзойи бадани қизиди-да, кўнгли айниди, боши айланиб, гапиришга мажоли қолмаса-да, у ўзини бошқа киши билан алмаштиришни илтимос қилишни ҳаётлига ҳам келтирмади ва бутун кучини бир жойга тўплаб, жанговар топшириқ бажарилгунча ўз постида матонат кўрсатиб турди.

Ҳарбий денгизчиларнинг табиий офат билан мураккаб кураши узоқ давом этди ва улар бу оғир қийинчиликни зўр жасорат кўрсатиб енгдилар. Ғоят оғир синов соатларида чидам ва бардош бериб мардлик кўрсатганлиги учун ёш матрос Абдулла Умаров командирнинг ташаккурига сазовор бўлди.

* * *

Андижонлик Тоҳир Абдулазизов ҳам бу ерда энг яхши матрослар сафидан жой олган.

Яқинда Тоҳир Абдулазизов шонли Коммунистик партия сафига қабул қилинди. Яна шуниси қувончлики, Тоҳир флот газетасининг актив мухбири. У ўзи хизмат қилаётган бўлинманинг ҳаёти ҳақида газетада ўзининг мақолалари ва лавҳалари билан иштирок этяпти.

* * *

Бундан бир неча ой илгари бир группа азамат ўзбек йигитлари Тинч океан қирғоғига жанговар хизматни ўташ учун келдилар. Бу кун уларнинг хотирасида абадий қолади. Бу ёшлар ҳарбий денгизчиларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўладилар — она-Ватанимиз мустақиллигини кўз қорачиғидай ҳимоя қилиш учун қасамёд қиладилар.

Мана, қизил алвон ёпилган стол ёнига биринчи бўлиб шаҳдам одим ташлаб, Тошкентдаги кровать заводининг собиқ ишчиси, коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси матрос Мирваҳоб Мираҳмедов келади ва командирга рапорт бериб, Ҳарбий қасам гекстини қўлига олади. Саф тортиб турган тенгдошларига қараб шу сўзларни дона-доналаб айтади:

— Оҳирги нафасим қолгунча Ватанимга ва совет халқига содиқ бўлиш учун қасамёд қиламан!

Ёш матрослар Мурод Мадаминов, Файзулла Сайдуллаев, Олимжон Мавлонов, Туроб Ёқубов ва бошқалар ҳам бирин-кетин сафдан чиқиб, текстни баланд овоз билан ўқиб имзо чекадилар.

Бугундан бошлаб, ўзбек халқининг бу вакиллари кема экипажининг составида туриб, социалистик Ватанимизнинг мустақиллиги ва халқимизнинг коммунизм қуриш йўлидаги ижодий меҳнатини ҳимоя қилишдек ғоят фахрли ва масъулиятли вазифани ўз зиммаларига олдилар.

Ҳа, ватанпарварларнинг сўзи билан иши бир.

А. ШВЕЦ,
мичман.

Владивосток шаҳри.

КОМПАРТИЯГА

Порлоқ иқбол ижодкорисан,
Улкан зафар байроқдорисан,
Шодон кўнгил гулбоҳорисан,
Жаҳон ичра доно партиям!

Элга ҳикмат сенинг ҳар сўзинг,
Даври-даврон соҳиби ўзинг,
Минг-минг йилни кўради кўзинг,
Эрк посбони—она партиям!

Қўлимизда Ленин байроғи,
Йўлимизда машъал чироғи,
Яшнамоқда истиқбол боғи,
Бсғбонимсан, мураббийимсан!

Гулга тўлди—кўркланди ҳаёт,
Толе кулиб боқди умрбод,
Эрк қўйнида бўлдик қувноқ-шод,
Компартия—жўшқин куйимсан!

Сен борсанки, зафар бизга ёр,
Дўстлигимиз мангу барқарор,
Сен борсанки, юксалар диёр,
Дилда тошқин мудом ифтихор.

Жуманиёз ОТАЖОНОВ,
кекса газалхон. Хоразм.

«АППОССИОНАТА»

Ватанимиз пойтахтидаги «Мосфильм» киностудияси улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 93 йиллигига бағишлаб «Аппассионата» номли фильм ишлаб чиқаришга киришди.

Фильм улуғ доҳиймиз В. И. Ленин билан буюк пролетар ёзувчиси А. М. Горький орасидаги катта дўстликни кўрсатишга бағишланган.

Кунларнинг бирида (1920 йил) В. И. Ленин Алексей Максимович билан учрашади. Бу учрашув Москвада, Е. П. Пешкова уйида ўтади. Владимир Ильич ва Алексей Максимович машҳур пианист И. Добровейнен ижросида «Аппассионата»ни тинглайдилар. Икки улуғ сиймо санъат, инсоннинг санъатдаги роли, ҳаёт мазмуни ва бошқа темаларда узоқ суҳбатлашадилар.

— Фильмнинг асосий мазмуни шу, — дейди фильм режиссёри Юрий Вишинский.

Владимир Ильич образи устида Ленин мукофоти лауреати, СССР халқ артисти Борис Смирнов ишламоқда.

Қ. АХМЕРОВ.
Москва.



СУРАТДА: Сирдарё область маркази — Янгиер шаҳрида қурилган янги маданият саройи. Бу ерда 400 ўринли зал, 100 ўринли кичик зал, кутубхона ва тўгарак ишлари учун алоҳида хоналар бор.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ОЛИМ

Стол усти тўла китоб. Баъзилари очилган, баъзиларининг орасига қоғоз қистирилган, бир қанчаси тахлаб қўйилган. Анча ёшга борган киши гоҳ иягини ушлаганча узоқ-узоқларга тикилиб чуқур ўйга чўмади, гоҳ бирдан стол ёнига келиб, нималарнидир ёзади. Бу киши медицина фанлари кандидати, доцент Мирза Усмонович Мирсоатов эди. У урология касаллигига оид янгича асарини ёзарди...

Тўнғич ўзбек медицина олимларидан бири М. Мирсоатов уролог-врач сифатида кишиларни даволаш билан бирга ўз тажрибалари, ўйларини ҳамкасблари билан ўртоқлашишни, даволашнинг янги йўлларини ўрганишни севади. Ҳамкасблари, юзлаб беморлар бу — ўз касбининг моҳир устаси номини ҳурмат билан тилга оладилар.

Усмон ака новвойлик қилар, ўғли Мирза унга ёрдамлашарди. Ёш Мирза бир куни уйга кеч қайтди.

— Дада, ёмон ниятли кишиларга ким чора кўради?

— Нима қилди? Қанақа, ёмон кишилар?

— Бузғунчи, контрреволюционерлар-чи! Большевикларга айтиш керак!

У тез орада большевикларнинг содиқ дўсти бўлиб қолди. Тошкент шаҳридаги яширин ташкилотларда актив иштирок этди, контрреволюционерларга қарши курашда қатнашади. Шу ерда партия сафига кирди. Мирза Ўрта Осиё университетининг ишчи факультетига ўқишга кирди. Ўқиш даврида ҳам революция душманларига қарши курашни давом эттирди. У партиянинг топшириғи билан гоҳ Жанубий Қозоғистонга борар, гоҳ босмачилар шайкаси тўпланган Фарғона водийсига йўл олар, тинибтинчимас эди.

Бир куни босмачилар ўни пичоқлаб, ўлди деб бир чеккага ташлаб кетдилар.

Узоқ вақт даволанган Мирза врачлик ишини севиб қолди. Москва Давлат университетининг медицина факультетини тамомлади.

Университет ўқитувчилари Мирзанинг аъло ўқишини, тадқиқот ишларини севишини кўриб аспирантурага олиб қоладилар.

Ўша вақтда Ўзбекистонда миллий кадрлар етишмас, айниқса мутахассис врачлар кам эди. Медицина фанлари кандидати Мирза Мирсоатов республикамизга келиб кишиларни даволашга, шогирдлар етиштиришга киришди.

Йиллар ўтди. Мирза ака-нинг қоп-қора сочлари кумушранг бўлди. Қанчадан-қанча кишилар унинг ёрдамида ҳаётга қайтди. Ўз усти да муттасил ишлаш, касбини чуқур билиши, ҳушмуомалалиги Мирза акани халқ ҳурматига сазовор қилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач М. Мирсоатов ҳозир Тошкент медицина институтида муваффақиятли ишламоқда. Унинг урология касаллигига доир 41 илмий иши бор.

М. У. Мирсоатов олтмиш ёшга бориб қолди. У янги илмий асар яратиш устида иш олиб бормоқда.

Ж. ҚОБИЛНИЁЗОВ.

ТАБИАТШУНОС БЛОКНОТИДАН

ЁВВОЙИ АНОР

Ўзбекистоннинг ширин-шакар узумлари, олма, ўрик, қовун, тарвуз, анорлари республикамиздагина эмас, бутун Совет Иттифоқида машҳур. Ҳар йили уларнинг янги-янги навлари, хиллари топилмоқда. Сурхондарё областида ёввойи анорнинг «Ғўзоқи анор» деган нави топилган эди. У серҳосиллиги, совуққа чидамлилиги ва мевасининг йириклиги билан бошқа анорлардан ажралиб туради, ҳар донаси 780-1080 граммгача келади, дунёга машҳур бўлган Эрон, Испания, Калифорния анорларидан устун туради. Пўсти қалин, узоқ сақланади. У кам сув ерларда ҳам ўсаверади.

Унинг пўстлоғидан саноат учун тери ошловчи модда, бўёқ олиш мумкин.

Республика табиатшунослари, ҳаваскор боғбонлар «Ғозоқи анор»ни кўпайтиришга аҳамият беришлари лозим.

М. ТУЙЧИЕВ,
биология фанлари кандидати.

Бу йилги баҳор рассомларимизни ҳам янги-янги асарлар яратишга отлантирди. Рассомлар республикамизнинг турли жойларига бориб, бой материаллар тўплаб, эскизлар чизиб қайтмоқдалар. СУРАТДА (чапдан): М. САИДОВ, халқ рассоми Н. Г. КАРАХАН ва З. ИНОҒОМОВ ўртоқлар янги эскизларни кўздан кечирмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

ФАН ВА ТЕХНИКА ОЛАМИДА

ДАРДГА ДАВО

Халқимиз дард кўрмасин. Биз фармацевт олимлар шу эзгу ният, шу катта мақсад йўлида хизмат қилишга бел боғлаганмиз. Шу орзу билан янги дорилар излаймиз, уни топиш учун бутун билимимизни, бор кучимизни сарфлашга отланганмиз. Бунинг учун нима керак бўлса, ҳаммаси муҳайё. Партия ва Ҳукуматимиз совет фанининг равнақи учун доим ғамхўрлик қилиб келмоқда. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Биология фанини янада ривожлантириш ва унинг практика билан боғланишини мустаҳкамлаш чоралари тўғрисидаги қарорида коммунизм қурилиши даврида янги вазифаларимиз равшан чизиб берилди.

Қарорда совет биология фани катта ютуқларни қўлга киритганлиги, органик дунёни ҳар томонлама ўрганишда дунёдаги барча давлатлардан олдинда бораётганлиги айтилди.

Тирик материя сирларини очишда биохимия, биофизика, генетика, микробиология, вирусология ва иммунология фанларининг намоянларидан анча иш қилдилар. Кўп дардга даво бўладиган антибиотиклар, витаминлар ишлаб чиқариш ортди.

Лекин ҳали дори-дармонларни янада кўплаб ишлаб чиқариш, уларнинг технологиясини такомиллаштириш ва янги турларини излаб топиш керак. Бу совет биология фанини янада ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Турли касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишда янада кўп дори-дармонлар — антибиотиклар, гармонлар, вакцина, сиворотка ва бошқа шифобахш препаратлар керак.

Ҳозирги вақтда СССРнинг химия-фармацевтика корхоналарида 1500 га яқин турли доривор моддалар ишлаб чиқарилаётир. Жумладан турли сульфаниламид препаратлари, барча антибиотик — пенициллин, стрептомицин туридаги дорилар, голен ва новоголен препаратлари, ҳар хил алкалоидлар, глюкозидлар ва бошқа дорилар ишлаб чиқарилмоқда. Дориларнинг янги турларини ишлаб чиқариш устида ҳам кенг илмий ишлар олиб борилмоқда.

Бу соҳада республикамиз олимлари ҳам самарали ишламоқдалар. Ўзбекистонда доривор ўсимликлар кўп учрайди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар кимёси илмий тадқиқот институтида кўп ишлар қилинаётир. Масалан, институт илмий ходимларидан С. Юнусов ва Х. Абдуазимов Омонқора ўсимлигидан биринчи бўлиб ликорин ва галантамин алкалоидларини олдилар. Уларни чуқурроқ текшириб, бу алкалоидлар болаларда учрайдиган полиомиэлит (оёқ-қўлларнинг ишламай қолиши) касаллигидан қолган таъсирни даволашда яхши дори эканлигини аниқладилар. Институт ходимлари уни химия-фармацевтика заводида олиш технологиясини ҳам ишлаб чиқдилар. Бошқа бир группа илмий ходимлар — Н. Абубакиров, В. Масленникова ва М. Горовицлар жут ўсимлиги уруғидан олиторизид номли глюкозид ажратдилар. Бу глюкозид ўзининг таъсири жиҳатидан четдан келтириладиган ва юрак фаолияти сусайганда қўлланиладиган строфантин дорисининг ўрнини босади. Ҳозир Тошкент фармацевтика заводи бу дориларни ишлаб чиқаришга киришмоқда.

Заводда коамид дорини ҳам тайёрланмоқда. Тошкент фармацевтика институтининг профессори М. Азизов олган бу дори организмда қон камайганда қўлланилади. Бу дориларни СССРдагина эмас, Франция, Англия каби чет мамлакатларда ҳам фойдаланилмоқда.

Янги қарор институт коллективининг активлигини янада ошириб юборди. Улар ўсимликлар дунёсини кенг миқёсда текширмоқдалар, янги дорилар топмоқдалар. З. Хабибовнинг ер чойи ўсимлигидан олган эфир ёғлари, И. Редьконинг гледичи дарахтининг меваларидан тайёрлаган дорини шулар жумласидандир.

Партия ва ҳукуматимиз бу соҳадаги ишларни янада ривожлантириш лозимлигини уқтирмоқда. Бунинг учун Ўзбекистонда янги лабораториялар очиш, институтлардаги проблематик лабораторияларни янада кенгайтириш ва уларнинг ишларини такомиллаштириш талаб қилинади. Шунингдек фармацевтика бўйича янги илмий тадқиқот институти яратиш мақсадга мувофиқдир.

Фармацевтика фани ва саноати ходимлари партия ва халқ олдидаги ўзларининг шарафли бурчларини адо этиш учун ғайрат ғайрат қўшиб ишлайдилар.

Л. ИКРОМОВ,
фармацевтика фанлари кандидати.

ҲОДИСА

КИЧКИНТОЙЛАР ОМОН ҚОЛДИ

Беш яшар Лариса билан уч ёшли Ҳафизни онаси уйда ёлғиз қолдириб чиқиб кетди. Кичкинтойлар зерикиб, янги «ўйин» ўйлаб топдилар.

Лариса электр плиткасини ёндирди. Ҳафиз плацмассан ясалган автомашинасини плита устига қўйди. Машина ёна бошлади. Мана аланга стол устига ёйилган дастурхонга, ундан ўтиб дераза пардасига илашди.

— Ойи, ойижон!

Болалар ўзларини эшикка урдилар. Эшик берк... Бир зумда стол, дераза кесакиси, уй-рўзғор буюмлари ловиллаб ёна бошлади.

Аҳмедовлар уйидан чиққан тутунни сезган ҳовлидаги болалар «ёнғин» деб қичқирдилар. Токарь Анатолий Климов эшикни бузиб уйга кирди. Уйни тутун ўраб олган, ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Климов кровать тагида яшириниб ётган Лариса билан Ҳафизни аранг топиб, ташқарига олиб чиқди, қайтиб, чаққонлик билан ёнғинни ўчиришга киришди. Шу он етиб келган қўшнилар унга ёрдам беришди.

Ёнғин ўчирилди. Уй-рўзғор буюмлари ҳам сақлаб қолинди. Ёнғинга қарши курашда ва кичкинтойларни қутқаришда мардлик ва жасорат кўрсатгани учун Тошкент шаҳар ёнғиндан сақлаш бошқармаси экскаватор заводининг токари ўртоқ Анатолий Климовга ташаккур изҳор қилди ва уни қимматбаҳо совға билан мукофотлади.

Л. ПАРПИЕВ.

САТРЛАР

● *Сирдарё область, Жиззах районидаги Пушкин номли 4-мактабда В. И. Ленин туғилган кунининг 93 йиллигига катта тайёргарлик кўриляпти. Мактаб ҳавасқорлар тўгараги қатнашчилари улуғ доҳиймизга бағишланган шеър ва қўшиқларни ўрганмоқдалар. Шунингдек, В. И. Ленин ҳаётий йўлини акс эттирувчи фото виставка ташкил этилмоқда.*

Қ. МУСОМУРОДОВ.

● *Тошкент педагогика институти география факультетининг кечки бўлими V курс студентлари Совет Иттифоқи бўйлаб саёҳат қилдилар. Улар Москва, Ленинград, Ботуми ва бошқа шаҳарларда бўлиб, ўлка географияси, экономикаси билан танишдилар.*

Ғ. МАВЛОНОВ.

● *Наманган медицина билим юртини 380 га яқин мутахассис битириб чиқди. Фельдшерлик, акушерлик ва бошқа медицина мутахассислигини эгаллаган ёшлар республиканинг область ва районларига ишга жўнаб кетдилар.*

Т. СУЛАЙМОНОВ,
У. АБДУЛЛАЕВ.

● *Қўқон шаҳридаги 4-мактабда ўқувчилар кучи билан тарих музейи ташкил қилинди. У тўққиз бўлимдан иборат. Томошабинлар бу ерда Ўзбекистон тарихига оид суратлар, қимматли ҳужжатлар, атоқли кишиларнинг расмлари ва бошқа кўпгина тарихий ёдгорликлар билан танишадилар.*

Б. ПАСТУХ.

● *Бухородаги қурилиш билим юртининг ўқувчилари назарий билимларини тажриба билан мустаҳкамлаб бормоқдалар. Яқинда монтажчи ва дурадгорлар группаси Амў — Бухоро канали қурилишига тажриба ўтказиш учун жўнаб кетди. Улар бу ерда тажрибали мутахассислар раҳбарлигида ишлайдилар.*

С. ҚУРБОНОВ.

Редактор ўринбосари
А. ИСМОИЛОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

26 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 12.00 — **Яшил қарағайзор сири** номли бадиий фильм, 18.00 — **Қизил галстук** телевизион журнали.

Рус тилида: 18.55 — **Халқаро мақсалалар**, 19.10 — **Шоира Зулфиянинг янги шеърлари**, 19.30 — Л. Лапутин, **Маскарад** (Навоий номли театрдан), танаффус вақтларида — **Киножурналлар** ва Ўзбек рус тилларида **Телевизион янгиликлар**, эшиттириш охирида — **Сўнгги ахборот** (Ўзбек ва рус тилларида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Махсус дружиналар операцияга чиқади** (телевизион очерк).

Ўзбек тилида: 18.25 — Г. Мушель. **Янги камер асарлар**, 18.55 — **Ишлаб чиқариш илғорлари, Ташаббускорлар издоши** (саноат ходимлари учун), 19.35 — **Корея янгиликлари** (телевизион очерк).

Рус тилида: 19.55 — **Ҳужжатли фильм.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/III да кундуз **Демон**, кечқурун **Маскарад**, 27/III да кундуз **Доктор Айболит**, кечқурун **Зайнаб ва Омон.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/III да кундуз **Гамлет**, кечқурун **Имон**, 27/III да кундуз **Шубҳа**, кечқурун **Алишер Навоий.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/III да кундуз **Кимга тўй, кимга аза**, кечқурун **Ғазал фожиаси.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Мактабларнинг баҳорги каникул кунларида 31 мартгача **Катта цирк томошалари.** Кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда бошланади.

1963 йил 6 апрель кундуз соат 12 да, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети геология факультетининг илмий совети мажлисида (К. Маркс кўчаси, 35-уй, 133-аудитория) қуйидагилар геология-минералогия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Г. К. Ляшенко: «Лолабулоқ интрузив массивининг петрографияси» деган темада.

В. А. Тарасов: «Қурусой руда майдонининг геологик тузилиши ва полиметалл конларининг жойланиш шаронти» деган темада.

Диссертациялар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

ЯНГИ ТАШАББУС

«Етти йиллик план топшириқларини 6,5 йилда бажарамиз!» — Самарқанддаги кўн заводининг коллективи тўрт йилдан бери ана шундай шиор остида ишлаяпти. Барча цех, участка ва бригадаларда оммавий тус олган ўзаро социалистик мусобақа ишлаб чиқаришда янгидан-янги заҳарлар қучишга олиб келмоқда. Кўнчилар айниқса, ўтган йилни яхши якунлашди. Пландан ташқари тайёрланган маҳсулот 339 минг сўмни ташкил этди. Таннархни пасайтириш ҳисобига давлатнинг 115 минг сўм маблағи тежаб қолинди.

Кўнчилар етти йилликнинг бешинчи йилини ҳам зўр меҳнат кўтаринкилиги билан бошлаяпти. Дастлабки икки ой ичида яхши кўрсаткичлар қўлга киритилди. Январда пландан ташқари 51 минг сўмлик ортиқча маҳсулот берилди. Февралда ҳам ойлик топшириқ ортиғи билан ado этилди.

Шуниси қувончлики, айни кунларда бу корхонада иқтисодий жиҳатдан жуда фойдали бўлган янги ташаббус кенг қанот ёймоқда. Ўтган йили заводда қўнчилик машҳур тикувчи Татьяна Кардаш ташаббусига қўшилмаган бирорта цех, бригада ва участка қолмаган эди. Эндиликда эса бу ерда ана шу ташаббус кетига ташаббус улаган зарбдорлар пайдо бўлиб қолди. Улар Ҳаким Рашидов, Рисолат Қурбонова, Муширраф Ҳамроқулова, Ўлмас Раҳмонов ўртоқлардир.

Коммунистик меҳнатнинг бу зарбдорлари Татьяна Кардаш ташаббуси асосида смена топшириқларини муддатидан бир соат олдин бажаришни одат тусига киритган эдилар. Изланишида давом этган 4 азамат «5 кунлик ишни тўрт кунда бажарамиз!» деган шиорни ўртага ташлашди. Ўз касбининг бу моҳир усталари станокни мойлаш ва артишдан 5 минут, иш жойини тартибга келтиришдан эса 7 минут ва бошқа бир қанча процесслардан вақт тежаб қолиш ҳисобига қўшимча маҳсулот бермоқдалар.

Бу завод шароитида станокни мойлаш ва артиш, иш жойларини тартибга келтириш фақат бир марта қўл урганда битақолмайди. Ошлаш ва пардозлаш процессида терилар бетидаги жун ва пўстлоқнинг кўплаб қиринднга кетиши натижасида кўзга майда кўринган бу хил ишларни смена давомида бир неча мартадан бажаришга тўғри келади. Энди ўзингиз ҳисоблаб чиқинг-чи! Ҳар дафъа станокни мойлаш, артиш, иш жойини тартибга келтириш процессларидан 12 минутдан вақт тежаб қолинса ва шулар ҳисобига маҳсулот тайёрланса — қанча ютуқларни қўлга киритиш мумкин!

Мана сизга жонли бир мисол: ҳар ойда тежалган 35 соат ҳисобига бир ишчи ойига 2.940 дона, йилига эса 33.064 дона терини пландан ташқари тайёрлайди. Буни ялпи маҳсулотга ҳисоблаб ойига 11,4 минг сўмлик, йилига эса 128,4 минг сўмлик ортиқча маҳсулот ишланади.

Тўрт азаматнинг бу ажойиб ташаббуси кўнчиларни беҳад хурсанд қилди. Партия ва касаба союз ташкилотларининг қўшма мажлисида бу ташаббус кенг маъқулланди. Корхонанинг кўп сонли агитаторлари буни ҳамма ишчиларга етказишди. Шу-шу, бу ташаббус кенг ёйилиб кетди. Владимир Герасимов, Роза Синяк, София Қобулова, Асима Осмонова каби ишчилар ташаббускорларнинг биринчи издошлари бўлишди. Тез орада бу ҳаракат бригадаларга ҳам ўтди. Қурбон Тиллаев, Ҳасан Мажидов, Ўлмас Розиқов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари бу ташаббусни ўз иш процессларида кенг қўллаб, смена топшириқларини 125 процентдан ошириб бажара бошладилар. Тери ишлаш цехининг коллективи ҳам «беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажарамиз» деб аҳд қилди.

Завод коллективи шу йилга белгиланган топшириқни 27 декабргача бажариш, пландан ташқари 100 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш мажбуриятини олган эди. Энди ташаббускорларнинг ғайрат ва шижоатлари туфайли мажбурият бу муддатдан ҳам илгари бажарилишига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Буни кундалик иш натижалари кўрсатиб турибди.

А. ҒАЙНОВ,
О. УСМОНҚУЛОВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

Коммутатор — 26334, 33262, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258 Редакция телефонлари: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323 Масъул секретарь — 34435, Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604, Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34461. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 06281. Индекс 64543. Нашр. № 72.